

ОЙЛИК

Ойлик ижтимоий - маърифий журнал,
1433, Шабон, 2-сон

شعبان

عن عائشة رضي الله عنها قالت :

”كان رسول الله يصوم حتى يقول لا يفطر ويغطر حتى يقول لا يصوم وما رأيت رسول الله استكمل صيام شهر إلا رمضان وما رأيته أكثر صياما منه في شعبان“

БОҚИЙ ДУНЁ
НЕЪМАТЛАРИ

ОИША БИНТИ АБУ БАКР
РОЗИЯЛЛОХУ АНХО

Muslimaat.uz

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

Аёл – беназир мавжудот, Аллоҳнинг яратмишлари ичра ўхшиши йўқ нозик бир хилқат. Эркак яралганидан бўён ўз жуфтига талпинади, унинг таърифига чиройли сўз, гўзл ташбех, мукаммал киёс ахтаради.

Асрлар оша аёл зоти гоҳ мақтov-мадҳиялар қанотида самоларга учирилди. Гоҳ мазамматлар арқонига маҳкам боғлаб, ер қаърига улоқтирилди. Унга «Ақли нокис, шу боис аёллардан пайғамбар чиқмаган», «Аёл одам эмас, шайтоннинг ургочиси», деган ноўрин ва қабих таъна-маломатлар чапланди.


Нодон инсон пайғамбарларни ҳам оналари, яъни аёл туққанини билмади, билса ҳам, назарга илмади, бадбаҳт Фиръавн Яратганни тан олмай, ўзини «илоҳ» деб эълон қилганида унинг саройида туриб, унинг хотини бўлатуриб, Аллоҳни таниган, Унинг розилигини истаган Осиё бинти Мазоҳим ҳам аёл эканини эсидан чиқарди. Яман маликаси Билқис бинти Шароҳил Сулаймон алайхис-саломнинг даъвати билан ҳеч тараффуддиз Аллоҳга иймон келтиргани ва тахтдан воз кечгани унча-мунча эркак кишининг кўлидан келмайдиган мардлик эканини тан олгиси келмади. Аллоҳ хузуридаги рухнинг илқо килинишидан Ийсо алайҳиссаломдек пайғамбарни отасиз дунёга келтирган зот – Биби Марям ҳам аёл эканини унтуди. Пайғамбарамиз Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлган ваҳийни биринчи бўлиб тасдиқлаб, иймон келтирган ва умр бўйи Фахри коинотга сафдош, кўмакдош, сирдош бўлиб яшаган Хадича бинти Хувайдид ҳам аёллар жумласидан эканидан фаромуш бўлди. Ўзининг нури ила бутун оламни мунаввар айлаган Ислом динигина аёлнинг даражасини кўтарди, унинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя этди, унга саодат эшикларини, нажот манзилларини кўрсатиб берди. Бугунги кунда муслималар дунёдаги барча ҳамжинслари ичida энг саодатлиси, энг баҳтиёри, энг арзандаси ва хурматга сазоворидир.

«Муслимаат.уз» сайти саҳифаларида янги «Омина» номли аёл-қизлар электрон журналини ташкил этиб, муслима дугоналаримизга тухфа этиш истаги ана шу фикрлар пўртанасида туғилиб етилди. Аллоҳ таолонинг тавфиқи ва лутфу инояти ила истаклар рўёбга чиқиб, минг бир истиҳола ва андишалар ила сиз азизаларнинг эътиборига уни ҳавола этиш баҳти ҳам насиб этди. Барчангиздан ўтингчимиз шуки, янги электрон журнални ўз маслаҳаттўйингиз, сирдошингиз, яқин ҳамдамингиз сифатида қабул қилинг, унинг ҳар бир янги сони билан мунтазам танишиб бориб, кўнгилларни таскин топтиринг. Яна бир ўтингчимиз шуки, туғилган фикрлар, айтилмай қолган гаплар, кўнглингиз тўлмаган ўринлар кўлингизга қалам тутқазиб, биз билан ҳамкорликка чорласа, химматингизни дариг тутманг...

Барчаларингизга муслималар журнали муборак бўлсин! Ҳаммаларингизни мулокотга, ижодий ҳамкорликка чорлаб қоламиз. Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Камоли эҳтиром ила,

«Муслимаат.уз» таҳририяти.



Хозирги кунда кўпчилик оналаримиз фарзанди бетоб бўлиб қолса, шифокорга бир-икки мурожаат қилиш билан кифояланадилар. Аммо саждаларда узок қолиб, жигарбандининг ҳаққига дуолар қилиш, яrim тунда уйқусидан уйғониб, намоз ўқиш, намоздан сўнг қиласидан дуоларида боласининг дардига шифо сўраш ҳоллари жуда ҳам нодирдир. Шифокорни «кўлидан ҳеч нарса келмайдиган пандавақи»лиқда айблагандан кўра оналарнинг ўзлари астойдил дуога киришсалар, ажабмас, Аллоҳ таоло уларга ҳам моҳир табиби рўпара қилса...

Аллоҳ таолога У Зотнинг жалолига мос ҳамду санолар бўлсин, қизларимиз ниҳоятда керакли, фойдали ҳамда савоблишга кўлурдилар. «Омина» электрон журналини мухтарам ўқувчиларини ушбу хайрли ишнинг бошланиши илиа чин қалбдан табриклиман. Аллоҳ таолога илтижо илиа бу ишнинг бардавом ва серфойда бўлишини таъминлашини тилаб дуолар киламан. Шу билан бирга, барча имкони бор азизларимизни бу журналнинг ривожига кўлдан келган хиссаларини кўшишга чакираман. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзи мададкор бўлсин!

*Шайх Муҳаммад Содик
Муҳаммад Юсуф*

**«Омина» электрон журналиниң
ҳайъат аъзолари:**

**Дилором Гозиева
Нозима Муратова
Назокат Қосимова
Дилафруз Юсупова
Оминахон Муҳаммад Юсуф
Одинахон Муҳаммад Юсуф
Наргиза Атажанова**



«Албатта, Аллоҳ сен билан ўз эри ҳақида тортишаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган аёлнинг сўзини эшилди. Ҳа, Аллоҳ икковингизнинг ўзаро сухбатингизни эшилмоқда. Албатта, Аллоҳ ўта эшитувчиидир, ўта кўриб турувчиидир. Сизлардан ўз хотинларидан зиҳор қиласидиганлар... Улар аларнинг оналари эмас. Уларни тукқанлардан бошқаси уларнинг оналари эмас. Ва албатта, улар инкор қилинган ва ёлғон сўзларни айтурлар. Ва албатта, Аллоҳ ўта афв қиласидир, ўта мағфиратлидир» (Мужодала сураси, 1-2-оятлар).

Аллоҳ таоло ушбу сурани Пайғамбаримиз алайхиссаломга хитоб қилиб, у зотга Ўзининг ҳозирги лаҳзада бўлаётган тортишувдан боҳбарлигини билдириш билан бошламоқда.

Бу муборак сура икки хилда номланиб келинмоқда.

Агар сура «ф» деб номланса, «Тортишувчи аёл», «Мужодала» деб номланса, «Тортишув» дея таржима килинади. Иккала таржимада ҳам Хавла бинти Саълабанинг шахсларига ишора қилинган бўлади. Одатда «Мужодала» номи кўпроқ ишлатилади. Бу сурани ўрганиш давомида Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларнинг ҳаётий ишларига бевосита аралашиб, уларнинг нотўғри ишларини тузатиб турганинг гувоҳи бўламиз. Яъни оилавий ишларда, эр-хотин ўртасида бўладиган муомалаларда Аллоҳ таоло Ўз оятлари билан тузатишлар киритиб турганини кўрамиз.

Сура Набий алайхиссалом билан Хавла бинти Саълабанинг гаг тортишгани ҳақидаги хабар билан бошланади.

Исломдан аввал арабларнинг жоҳилият тузумида эр ўз хотинига: «Сен мен учун онамнинг белидексан», – деб айтса, ораларидаги эр-хотинлик алоқалари абадий барбод бўларди. Мана шу ва бошқа сабаблар хотинларни қийнаш, азоблаш ва хўрлашнинг бир услуби эди. Азиз китобхонга тушунарлироқ бўлиши учун қуйидаги мисолни ҳам келтирамиз. Ҳозирги кунимизга назар ташлайдиган бўлсак, бизда ҳам баъзи оғзига кучи етмайдиганлар, иймону одобдан бехабарлар бўлар-бўлмасга «Агар фалон ишни килмасам, онам хотиним бўлсин» деган гапни гапиришади. Юқорида айтганимиздек, арабларда ҳам эр хотинига «Сен мен учун онамнинг белидексан»,



деса, бундан «Менга онам(нинг никоҳи) ҳаром бўлганидек, сен ҳам ҳаромсан» деган маъно тушунилар эди. Мужодала сураси мазкур жоҳилий тушунчадаги хукмни бекор қиласи ва зиҳор қилганларга гунохини ювиш учун молиявий ибодатни, яъни каффоротни жорий этади.

Келинг, азиз китобхон, бу тарихий қиссага янада теранроқ назар ташлайлик.

Хавла бинти Саълаба чиройли аёл эди. Бир куни эри Авс ибн Сомитнинг кўнгли у билан яқинликни истаб қолади. Хавла эса унамайди ва, табиийки, ораларида жанжал чикади. Авс аччиғи тез одам эди, у хотинининг бу муомаласидан ўзини тута олмай: «Сен мен учун онамнинг белидексан», – деб юборади. Ҳовуридан тушгач, у афсус-надоматлар қиласи. Чунки бу сўзлар ўша даврдаги жоҳилият хукми бўйича талоқ ўрнига ўтар ва эр-хотиннинг абадий ажралишига сабаб бўларди. Авс хотинига қараб:

– Энди менга ҳаром бўлган бўлсанг керак, – дейди. Хавла бўлса:

– Аллоҳга қасамки, бу талоқ эмас, – дейди. Сўнгра қўшни аёлнинг кийимини қарзга олиб, бу масаланинг хукмини ойдинлаштириш учун Расулуллоҳнинг ҳузурларига йўл олади. Ул зоти бобаракотнинг ҳузурларига келиб:

– Эй Аллоҳнинг Расули, эрим Авс ибн Сомит менга ёш, бой ва аклу ҳушли пайтимда уйланди. Молимни еб битирди, ёшлигимни сўлдирди, ақлимни сустлатди ва ёшим улуғ бўлган бир дамда мендан зиҳор қилди. Энди ўзи бу зиҳордан афсус-надоматда. Бизларнинг яна қайта қўшилишимизга бирор йўл борми? – деди.

Набий алайҳиссалом:

– Унга ҳаром бўлибсан, – дедилар. Хавла эса бунга жавобан:

– Сизга Куръонни нозил қилган Зот билан қасамки, у талоқни зикр қилгани йўқ. У менинг боламнинг отаси ва энг севимли кишим-ку ахир? – деди.

Набий алайҳиссалом яна:

– Унга ҳаром бўлибсан, – дедилар. Хавла бинти Саълаба бўлса:

– Мушкулимни ва ёлғизлигимни Аллоҳнинг Ўзига шикоят қиласман, мен эрим билан узоқ ҳаёт кечирдим, ундан фарзандлар кўрдим, – деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Унга ҳаром бўлибсан»дан бошқа гапни айтмадилар ва:

– Сенинг тўғрингда бирор амр келгани йўқ, – дедилар. Хавла бинти Саълаба эса Набий алайҳиссалом билан тортишаверди. Ул зот:

– Унга ҳаром бўлибсан», – десалар, у:

– Мушкулимни, ёлғизлигимни ва ҳолимнинг оғирлигини Аллоҳнинг Ўзига шикоят қиласман, – дерди.

Шундай айтишув чоғида Хавла бинти Саълаба:

– Ахир менинг ёш болаларим бор, мен билан қолсалар, оч қоладилар, у билан бўлсалар, зое бўладилар, – дер ва бошини осмонга кўтариб: – Аллоҳим! Ўзингга ёлворяпман. Аллоҳим! Пайғамбаринг тилига менинг мушкулимни осон қилувчи (оятларни) тушир, – дерди.

Бирдан Набий алайҳиссалом жим бўлиб қолдилар. Ваҳий келганда бўладиган ҳолат юзага келди. Бир муддатдан кейин у киши муборак бошларини кўтардилар-да:

– Аллоҳ таоло сен ва сенинг эринг ҳақида оят нозил қилди, – дедилар. Сўнгра «Қод самиъ Аллоҳу»дан то «азаабун алийм»гача ўқиб бердилар.

Бу қиссадан жоҳилият қонунлари ўша давр кишилари учун қанчалик оғир бўлгани кўриниб туриди. Бу зулмкор хукмлар Исломнинг адолатли хукмлари олдида кучсизлана бошлаган. Чунки Ислом дин сифатида вужудга келгач, кўп ўтмай, ўз адолати билан кишиларни ҳаракатга келтириб қўйди.

Ривоят қилинишича, ҳазрати Умар ибн Хаттоб ўз халифалик даврларида бир гурӯҳ кишилар билан кетаётган эканлар, бир аёл у кишини узоқ тўхтатиб қолибди. Ваъз, насиҳат қилибди. Шунда:

– Эй Умар, – дебди аёл, – яқиндагина «Умарча», деб чақирилардинг, улғайганингдан сўнг «Эй Умар» деб чақириладиган бўлдинг. Энди эса «Эй амирал мўминин», деб чақирилмоқдасан. Аллоҳдан кўрқин! Эй Умар! Ким ўлимга ишонса, умрини бекор ўтказишдан кўрқади, ким ҳисоб-китобга ишонса, азобдан кўрқади, – дэя сўзлайверибди. Ҳазрати Умар бўлсалар, жим қулоқ солиб тураверибдилар. Атрофдагилар у кишига:

– Эй мўминларнинг амири! Бир кампирга ҳам шунчалик тўхтаб турасизми? – дейишганида, ҳазрати Умар уларга жавобан бундай деган эканлар:

– Аллоҳга қасамки, куннинг аввалидан охиригача ушлаб турса ҳам, фарз намоз вақтидан бошқа вақтда туравераман. Бу кампирнинг кимлигини биласизларми ўзи? Бу – Хавла бинти Саълаба. Унинг сўзини Аллоҳ таоло етти осмоннинг устидан эшитган. Бу аёлнинг сўзларини Оламларнинг Парвардигори эшитади-ю, Умар эшитмасинми?!»


«Тафсири Ҳилол»дан.
Назокат тайёрлади.

Абу Ҳурайра розияллоху анхұдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким бир мүміндан бу дунё машаққатларидан бирини аритса, Аллоҳ таоло ундан қиёмат куни машаққатларидан бирини аритади. Ким бир камбағалнинг ишини енгиллатса, Аллоҳ унинг бу дунёю охират ишларини енгиллатади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини бу дунёю охиратда беркитади. Модомики, банда ўз биродарининг ёрдамида экан, Аллоҳ ҳам унинг ёрдамида бўлади. Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларидан бирида жам бўлиб, Аллоҳнинг Китобини тиловат қилса, уни ўрганса, албатта, уларнинг устуга сакийна тушади, уларни раҳмат ўраб олади, фаришталар қуршаб оладилар ва Аллоҳ уларни Ўз хузуридагилар қаторида зикр қиласди. Кимнинг амали ортга сурса, уни насаби олдга сура олмайди», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.



Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу ҳадиси шарифда ҳар бир мүмін-мусулмон қилиши лозим бўлган яхши амаллардан бир нечтасини ва уни бажарган мүмін-мусулмон бандага бериладиган мукофотларни зикр қилмоқдалар. Шу орқали сиз билан биз, умматларини ўша яхши амалларни қилишга тарғиб этмоқдалар. Келинг, ўша амаллар ва уларнинг натижаларини бирма-бир кўриб чиқайлик:

1. «Ким бир мүміндан бу дунё машаққатларидан бирини аритса, Аллоҳ таоло ундан қиёмат куни машаққатларидан бирини аритади».

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг бу муборак гапларида мўминларнинг бошларига

тушган оғирликни аритишида ёрдам беришга ҳар бир мүминга қаратилган катта чорлов бор.

Бу дунёда одамларнинг бошига тез-тез турли ғам-ғусса, қийинчилик ва машаққатлар тушиб туради. Бошига машаққат тушган одам дарҳол ўз яқинларидан ёрдам кутади. Чунки бир ўзи машаққатга қарши туриши осон эмас.

Ислом дини мусулмон жамиятидаги кишиларни доимо ўзаро ёрдам асосида яшашга чақиради. Айниқса, қийинчиликда қолган кишиларга алоҳида эътибор беришни тайинлайди. Лекин ҳозирги пайтда кўпчилик бошига машаққат тушган кишидан ўзини олиб қочади, унинг машаққатига шерик бўлишни

хоҳламайди. Аксинча, яхшилик ичидаги юрган одам атрофида ўралашиб, унинг яхшилигидан фойда олишни умид қиласди. Бу эса беш кунлик дунёнинг матоҳига учган кишиларнинг ишидир.

Ҳақийқий мўмин – охиратни ўйлаган киши ушбу ҳадисга амал қилиб, бошига иш тушган биродарининг машаққатини аритишга интилади. Шу билан киёмат куни ўз бошига тушадиган бир машаққатни аритган бўлади. Демак, у бирор учун эмас, ўзи учун амал қилибди. Шунинг учун у бошига машаққат тушган биродарига миннат қилмай, раҳмат айтиши, «Эй биродар, Аллоҳ сенга сабр берсин, сенинг сабабингдан мен охират машаққатларининг биридан халос бўлдим», дейиши лозим.

2. «Ким бир камбагалнинг ишини енгиллатса, Аллоҳ унинг бу дунёю охират ишларини енгиллатади».

Бу дунёда қийинчилик билан кун кўрадиган кишилар доимо учраб турди. Чунки дунё ўзи шундай тузилган.

Шу билан бирга, мусулмонлар жамиятида ҳам қийинчилик билан кун кечирадиган, камбағал, бечора кишилар ҳамиша топилади. Шундай кишиларга нисбатан бошқа мўмин-мусулмонлар қандай муносабатда бўлишлари зарурлиги ушбу ҳадисда аниқ баён этилмоқда.

Демак, ҳар бир мусулмон қийин кун кечираётган биродарининг мушкулини осон қилиш учун ҳаракат этмоқлари лозим. Қийим-кечакдан қийналаётган бўлса, қийим-кечак олиб бериши, озиқ-овқат топишда машаққат чекаётган бўлса, уни топишда ёрдамлашиши лозим. Туар жойсиз қолган бўлса, уй топишда ёрдам беришлари, даволанишда қийналаётган бўлса, бу ишда кўмаклашишлари керак ва ҳоказо. Қийинчиликда яшаётган мўмин кишининг офирини енгил қилиш сиртдан қараганда бирор га ёрдам бериш бўлса ҳам, аслида ёрдам берувчининг ўзига фойда. Фойда бўлганда ҳам, бу дунёю охиратида фойда! Чунки ўша қийинчиликда яшаётган мўминнинг ишини енгиллаштиришга ёрдам бергани учун Аллоҳ таоло унинг бу дунёю охиратдаги ишларини енгиллаштириб қўяди.

3. «Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини бу дунёю охиратда беркитади».

Уламоларимизнинг айтишларича, айбини беркитиш моддий ва маънавий жиҳатдан бўлади.

Биринчиси – моддий камчиликларни беркитиш. Бунда, мисол учун, баданини беркитиши учун кийим олиб бериш бўлса, маънавийси эса бир мусулмоннинг ёмон иш қилганини кўриб қолиб, ҳеч кимга айтмай, беркитишдир. Бу ҳам инсон ҳаётида доимо

учраб турадиган ҳолат. Бир жамиятда яшаб турган кишилар бир-бирларининг айбларини беркитиб яшасалар, яхши бўлади.

Инсон билиб-бilmай, турли хатоларга йўл қўйиши мумкин. У ўзи йўл қўйган хатони беркитишга ҳаракат қилмоқдами, демак, ўша одамда яхшилик бор. Шунинг учун унинг айбини очишга, ҳаммага ошкор этишига ҳаракат қилиш дуруст эмас. Гуноҳ ва айб ишларни ошкора қиладиган одамдан эса яхшилик кутиб бўлмайди.

Бирорвнинг айбини беркитган одам аслида ўзининг айбини беркитади. Шу қилган иши учун Аллоҳ таоло унинг бу дунёю охиратдаги айбини беркитади. Чунки у бирорвнинг айбини ошкора қилса, бошқа бирор ёки ўша айби очилган кишининг ўзи унинг ҳам айбларини очиши мумкин. Натижада жамиятнинг ҳар бир аъзоси бошқасининг айбини очиш учун ҳаракат қиладиган бўлиб қолади, жамият аъзолари орасида ўзаро келишмовчилик ва низо кучаяди, жамият таназзулга юз тутади.

4. «Модомики банда ўз биродарининг ёрдамида экан, Аллоҳ ҳам унинг ёрдамида бўлади».

Бу, сен бирорга ёрдам берсанг, Аллоҳ сенга ёрдам беради, деганидир. Фуқаролари бир-бирларини кўллаб, ўзаро ҳамият кўрсатиб яшайдиган жамият кучли ҳамият бўлади. Чунки ўзаро ёрдам кишилар орасидаги алоқаларни яхшилайди, уларни дўст-бирордар қиласди, турли қийинчиликларни бирга бартараф қилишни ўргатади.

Шунинг учун ҳам Ислом мусулмонларни доимо бир-бирларига ёрдам беришга чакиради. Ўз биродарига ёрдам берган мусулмонга бу биродари ўзининг ёрдамидан бир қанча кўп баробар ёрдамни ваъда қиласди. Ожиз банда ўз биродарига ўзининг ожизона ёрдами билан улуғ Аллоҳнинг улуғ ёрдамига сазовор бўлади.

Шунинг учун бир мўмин бандага ёрдам берган инсон берган ёрдамини миннат қилиши керак эмас. Балки Аллоҳнинг ёрдамига сазовор этганлиги сабабидан биродарига ташаккур айтиши лозим.

5. «Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради».

Илмга бундан ортиқ тарғиб бўлмаса керак. Ҳар бир инсоннинг олий мақсади – жаннат. Жаннатга эришиш учун у ҳар нарсага, ҳар қандай қийинчиликларга тайёр турди. Илм талаб қилиш эса жаннат йўлига тушишнинг боши экан. Илм йўлидан борган одам ниҳоят жаннатнинг эшиги олдидан чиққай, иншаллоҳ.

Кези келганда яна бир масалани эслаб ўтайлик. Ояти карима ва ҳадисларда зикри келган илм ҳақида

кишилар ўртасида баъзи тушунмовчиликлар юради. Баъзилар «Оят ва ҳадисларда зикр этилган илмдан мурод, дийний илмлардир», дейдилар. Бу нотўғри фикр! Оят ва ҳадисларда зикри келган илм барча фойдали илмларни ўз ичига олади. Дийний илмлар албатта, биринчи ўринда туради. Аммо бошқа илмлар кўзда тутилмаган, дейиш мутлақо нотўғридир. Агар фақат дийний илмлар кўзда тутилса, мисол учун, «Аллоҳ кимга яхшиликни раво кўрса, дийнда фақих қилиб қўяди», дейилгани каби, алоҳида қайд қилинади. Шунга ўхшаш, бошқа исломий илмлар ҳакида гап кетганда ҳам уларнинг номи ва сифати зикр қилинади.

Яна бир тоифа кишилар илм ва унинг савоби ҳакида сўз кетганда «Ким бўлса ҳам илмли бўлса, бас, ушбу гап ва савоблар унга ҳам тегишли», дейдилар. Кофир, мунофиқ, фосиқ, ибодатсиз кишилар томонидан илмга уриниш бўлса, мазкур ваъдаларда уларнинг ҳам ҳаққи бор, дейдилар. Бундай кишилар Исломда ҳар бир амалнинг қабул бўлиши, савоби етиши учун иймон, ният, ихлос шарт эканлигини унтиб қўйган одамлардир.

Шунинг учун ояти карима ва ҳадиси шарифларда зикри келган илмдан мурод, барча фойдали илмлар бўлиб, уларга қилинган ваъдаларга иймон ва ихлос билан уринган мўмин-мусулмонларгина эришадилар, дейишимиз тўғри бўлади.

Бу коидани ушбу ҳадиси шарифга татбиқ этадиган бўлсак, мўмин-мусулмон киши ўзи учун, жамият учун, инсонлар учун фойдали илмга «бу менга Аллоҳнинг амри, Исломнинг талаби» дея уринсагина, у жаннатнинг йўлига тушган бўлади. Аллоҳ таоло унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради.

6. «Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларидан бирида жам бўлиб, Аллоҳнинг Китобини тиловат қилса, уни ўрганса, албатта, уларнинг устига сакийна тушади, уларни раҳмат ўраб олади, фаришталар қуршаб оладилар ва Аллоҳ уларни Ўз хузуридагилар қаторида зикр қиласди».

Ҳадисларда «Аллоҳнинг уйлари» деган жумла келса, масжидлар назарда тутилган бўлади. Демак, масжидлардан бирида ўтириб, Аллоҳнинг Китоби – Куръони Каримни тиловат қилган, уни ўргангандан одамлар ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган дараҷага эришадилар.

Бу ҳадиси шарифда эса уларга тўртта буюк дараҷа ваъда қилинмоқда:

а) «Албатта, уларнинг устига сакийна тушади».

«Сакийна» сўзи «сокинлик»дан олинган бўлиб, қалб хотиржамлиги, ҳамма тарафдан сокинлик, хотиржамликни англатади.

Демак, масжидда жам бўлиб, Куръони Каримни етарли даражада тиловат қилган, уни ўргангандан одамларга қалб хотиржамлиги, ҳар бир нарсада сокинлик, хотиржамлик тушади. Куръони Каримнинг хайру баракаси уларнинг ҳаётларини безайди.

б) «Уларни раҳмат ўраб олади».

Яъни, ўша масжидда ўтириб, Куръон тиловат килиб, унинг маъно ва ҳукмларини ўрганаётган кишиларни Аллоҳнинг раҳмати ўраб олади. Мўмин-мусулмон қавм учун уни Аллоҳнинг раҳмати ўраб олишидан ҳам кўра яхшироқ ҳолат бўлмаса керак?!

в) «Фаришталар қуршаб оладилар».

Яъни, ўша масжидда ўтириб, Куръон тиловат килаётган, уни ўрганаётган кишиларни Қуръоннинг ҳурматидан фаришталар қуршаб оладилар. Дунёда фаришталар ҳурмат билан қуршаб турган бир қавм бўлса, ана ўша қавм бўлади. Ҳеч бир мусулмон қавм учун бундан ортиқ муборак мақом бўлмаса керак!

г) «Аллоҳ уларни Ўз хузуридагилар қаторида зикр қиласди».

«Аллоҳнинг хузуридагилар» «Малауъил аъло» номли олиймақом зотлардир. Бу энг олий мақом бўлиб, Куръон тиловат қилган, уни ўргангандан одамларни Аллоҳ таоло ўша олиймақом зотлар билан бирга зикр қиласди.

Бу дунёда бирор мансабдор бир одамнинг номини тилга олиб қўйса, ўша одам умрбод «Фалончи акам мени фалон жойда, фалон вақтда зикр қиласди», деб, гуурланиб юради.

Энди Аллоҳ таоло инсонларни ўз хузуридаги энг олиймақом зотлар қаторида зикр қилиши ўша инсонлар учун қанчалик баҳт эканлигини тасаввур қилиб кўринг. Бу олий мақомга эришиш эса жуда ҳам осон. Аллоҳ таолонинг Китоби – Куръони Каримни тиловат қилиш, уни ўрганиш керак, холос.

7. «Кимнинг амали ортга сурса, уни насаби олдга сура олмайди».

Яъни, охиратда ҳамманинг насабига эмас, амалига қараб даража берилади. Кимнинг амали яхши бўлса, насаби қандай бўлишига қарамай, олдинга сурилади, олий мартабаларга эришади. Кимнинг амали ёмон бўлса, у ортга сурилади, иши чатоқ бўлади. Насаби қанчалик олий бўлмасин, иши олдинга сурilmайди. Шунинг учун ҳеч ким насабига ишонмаслиги, мағуруламаслиги керак. Аксинча, кўпроқ яхши амал қилишга уриниш лозим.

**«Ҳадис ва Ҳаёт»дан
Назокат тайёрлади**



Кунларнинг бирида икки ёш – чамаси 25-30 ёшлардаги йигит ва унинг рафиқаси автобусга чиқишиди. Бу жуфтлик шаҳардаги бошқа эр-хотинларга ҳеч ўхшамайди. Бир-бирига жуда меҳрибон, айниқса эрнинг хотинига бўлган меҳр-муҳаббати унинг кўзларида намоён. Аёл ҳам хўшрўйгина. Ёзниг айнан жазира маисиғига қарамай, ёш жувон бошига рўмол ўраб олган эди.

Автобусда ўтирган йўловчилардан бири улар томонга қайрилиб қаради ва аста сўз қотди:

«Яхши йигит!»

Бу одам тахминан 40 ёшларда эди. Кўринишидан бирор олийгоҳ ўқитувчиси, зиёлига ўхшаб турибди.

– Менга гапирияпсизми? – сўради ҳалиги йигит.

– Ҳа, сизга.

– Эшитаман, – мулоимлик билан гапирди йигит.

– Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Лекин мендан хафа бўлмайсиз деган умиддаман. Боядан бери сизларни кузатиб ўтирибман-у, бир нарсага ҳеч ақлим етмаяпти. Кўринишингиздан туппа-тузук, ўқимишли, тушунган йигитга ўхшайсиз. Лекин шундай маданиятли йигит аёlinи мана бундай рўдаполарга ўраб-чирмаб ташлаганини тушунолмаяпман. Одамлар коинотни забт этаётган, илм-фан жадал ривожла наётган, тараққиёт ўзининг юқори босқичларига кўтарилаётган шундай даврда аёлингизга эркин яшашга имкон бермасангиз-а. Бу нимаси? Мана, қаранг, менинг хотиним, – дея ёнида ялангбош ўтирган аёлни кўрсатаркан, – ўзи хоҳлаганидек юради, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд, эркин яшайди. Сиз бўлсангиз... – деди-ю, сўнг хиёл энгашиб, аста шивирлади: – Ёки бунга сабаб борми? Бирор нуқсон дегандай...

Йигит ойнадан ташқарига қаради. Кўзи кўча четидаги машиналар сақлаш жойига тушди. У ердаги

ҲАР АЁЛНИНГ БОШИДА РЎМОЛИ БЎЛСИН...

аксарият автомобилларнинг усти брезент билан бер-китилган. Йигит ҳалиги кишига юзланиб, сўради:

– Машиналарни кўряпсизми?

– Ҳа, кўряпман, нима бўпти? – ҳайрон бўлиб елка кисди йўловчи одам.

– Нимага уларни ўраб кўйишган?

– Қимматбаҳо мулклиги учун, машина тез уриниб кетмаслиги, эскирмаслиги учун авайлашади-да.

– Уарнинг ёнида турган автобуслар-чи, уларни нега ҳеч ким ўраб кўймаган?

– Чунки у жамоат транспорти. Ундан ҳамма фойдаланади. Менга қаранг, бу гапингиз билан нима демокчисиз ўзи?

Автобусдаги ҳамма йўловчилар жим бўлиб, бу мунозара қандай яқунланишини бетоқатлик билан кутишяпти. Ҳамма йигитнинг оғзини пойлайди. «Йигитга қийин бўлди. Бу кишига гап топиб бериш қийинга ўхшайди...» Ҳамманинг хаёлидан мана шу фикр.

– Рафиқам мен учун қадрли бўлгани учун уни авайтайман, бегона кўздан асрайман. Унга бошқа эркакларнинг назари тушишини ўзим учун ор деб биламан. Шунинг учун ҳам аёлимнинг бошида рўмоли бор. Сизнинг аёлингиз эса худди жамоат транспортидай гап. Унга ҳамма қарashi, хоҳлаган одам гап отиши мумкин. Сизга эса фарқи йўқ...

Энди барчанинг нигоҳи ёш жуфтликдан ҳалиги эркак ва унинг аёли томон бурилди. Эркак ўзини йўқотиб қўйган, нима дейишни билмай ўтиради, унинг хотини эса уятдан юзи лов-лов ёнганидан боши эгилди.

*Автобус эса йўлида давом этарди...
Ойдинахон Ваҳобжон қизи тайёрлади*

Иймоннинг бешинчи шарти ўлгандан кейин тирилишга ишонишидир. Аллоҳ инсонларни йўқдан бор килган, сўнгра уларга жон бериб, ҳаёт ато қилган. Бир кун келиб, жонларни олувчи ҳам Унинг Ўзидир. Жони бор жамики маҳлукотлар ўлади, лекин бу ҳамма нарса тугади, дегани эмас. Охират ҳаёти бошланади. Охират ҳаётида ҳар бир жон бу дунёда қилган амалларидан сўралади. Аллоҳга иймон келтирган, хайрли амаллар қилиб яшаганлар жаннатга, ёмон амаллар қилиб, Аллоҳни инкор қилганлар жаҳаннамга киритилади. Ўлгандан кейин тирилишга ишонмаган инсон мусулмон ҳисобланмайди. Биз охиратга бутун қалбимиз билан ишонишимиш ва у дунё учун ҳаракат қилиб, хайрли амаллар қилиб яшашимиш лозим. Бу дунё келиб-кетувчи, вақтингчалик дунё, аммо охират абадийдир. Охиратга иймон келтиришнинг беҳисоб фойдалари бор. Ўлгандан кейин тирилишга ва қилган амалларнинг ҳисобини беришга ишонган одам бу дунёда ёмонлик қилмайди, бошқаларнинг ҳаққига тажовуз қилмайди. Бу иймон бизни абадий ҳаёт бўлмиш охират ҳаётига тайёрлайди. Аллоҳдан қўрқишинсанга жаҳаннам азобини ва жаннатнинг неъматларини эслатиб туради. Барча яхши ва ёмон амалларимиз қиёмат куни тарозида тортилади ва ҳар кимга қилган амаллари кўрсатилади.

Бу ўлчовда ҳеч кимга нисбатан адолатсизлик қилинмайди, заррача бўлса-да, хатога йўл қўйилмайди. Мезон илоҳий адолатни кўрсатади. Аллоҳ қулларига меҳрибонлигидан уларнинг қилган хайрли амалларини кўпайтириб беради, ёмон амалларини эса борлигича ҳисоб қилади.

Ҳидоятда бўлган, Аллоҳнинг амрини бажарган тақводор, солиҳ қуллари эса жаннатга кирадилар. Жаннатдаги неъматлар ва ҳоллар дунёдаги неъматларга ўхшамайди, уларнинг фарқлари фақат исмда бўлади. Жаннатнинг неъматлари ҳакида Зухруф сурасининг 71-оятида шундай келтирилган:

«Уларга тилладан бўлган товоқлар ва қадаҳлар айлантирилур. У ерда нафслар иштаҳа қиласидиган ва кўзлар лаззатланадиган нарсалар бордир. Сизлар у ерда мангуболувчисиз».


Жаннатийлар учун Ёсин сурасининг 57-58 оятларида:

«Улар учун у ерда мевалар бордир ва улар учун истаган нарсалари бордир. Роҳийм бўлган зотдан «Салом» сўзи бордир», дейилган.

Тақводорлар учун ҳам мұжда қилиниб, Раъд сурасининг 35-оятида шундай баён келтирилган:

«Тақводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (шуки): остида анхорлар оқади, мевалари ва

БОҚИЙ ДУНЁ НЕЪМАТЛАРИ



соялари доимийдир. Бу тақво қилганларнинг оқибатидир. Кофиirlарнинг оқибати эса оловдир».

Жаннатдаги неъматлардан бири Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган Кавсар ҳовузидан сув ичишдир. Бу у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларидан юрган солиҳ бандаларга насиб этади, ҳовузнинг бўйида сув ичган энг кўп уммат у зот алайҳиссаломнинг умматлари бўлади. Бу ҳовузнинг суви барча пайғамбарлар ҳовузларининг сувидан ширинроқ, лаззатлироқ бўлади. Жаннатдаги неъматлардан бири бутун оламларга раҳмат ёғдирган Аллоҳнинг Ҳабиби, коинотнинг сарвари Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қўришиш ва Ҳабибимизга қўшни бўлиш, энг буюк неъмат эса Аллоҳнинг жамолини қўриш, Аллоҳнинг жаннатга кирганлардан рози бўлишидир. Бу неъмат жаннатдаги барча неъматлардан тотли, қимматли ва завқлидир. Аллоҳ бу неъматни барчамизга насиб этсин.

ХИНА ВА ЛАК

САВОЛ: Уламолар аёлларнинг зийнати учун хинани мубоҳ дейдилар. Лакни эса ман қиласидар. Сабаби нима, иккиси ҳам зийнат-ку?

ЖАВОБ: Хина табиий бўёқ бўлиб, терининг ичига сингиб кетади. Сунъий бўёқлар эса тери ёки тирнок устида мустаҳкам қатлам ҳосил қиласидар. Тери хинани сўриб олгач, хина унинг бир бўлаги бўлиб қолади. У фақат вақт ўтиши билан, терининг тўқималари янгиланиши натижасида ўчиб кетиши мумкин. Шунинг учун хина таҳорат ва ғуслда сувнинг терига етиб боришига тўсқинлик қилмайди. Тирноқнинг устини қоплайдиган сунъий бўёқ (лак)ни эса кимёвий моддалар ва бошқалар билангина кетказиш мумкин. Улар терига сув ўтказмайди ва шу сабабли таҳоратга монеълик қиласидар.

НАМОЗ ЎҚИМАЙДИГАН ХОТИН

САВОЛ: Хотин намоз ўқимаса, унинг масъулияти эрга ёки унинг ахлига тушадими?

ЖАВОБ: Агар хотин намозни қасдан тан олмай, инкор қилиб тарқ этса, батаҳқиқ, Исломдан муртад бўлади ва дарров эри билан ажрашиши вожиб бўлади.

Аммо агар фарзлигига иймон келтирган ҳолда дангасалик қилиб тарқ этса, эрига унга насиҳат қилиш, уни намозга тарғиб қилиш ва бундай хотинга сабр қилиш вожиб бўлади. Аллоҳ таоло: «Ахлингни намозга амр эт ва ўзинг унга сабр қил», деган (Тоҳа сураси, 132-оят).

Бу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинган хитоб, лекин унинг ҳукми барча умматларга умумийдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу оят нозил бўлганидан кейин ҳар тонг Фотима ва Али розияллоҳу анхуларнинг олдиларига бориб: «Намоз», дер эдилар.

Аллоҳ таоло эркак кишини оиласи устидан валий қилган. Бас, у улар учун қиёмат куни масъулдир. Аллоҳ таоло: «Эй иймон келтиргандар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг», деган (Тахрим сураси, 6-оят).

Бу оятда ҳар қандай валий ўзига ва оиласига масъул эканлигига далолат бордир.

ХУШБЎЙ АТИРЛАР

САВОЛ: Аксарият хушбўй атирларнинг таркибида маълум миқдорда спирт бўлади. Улар ҳаром ҳисобланадими?

ЖАВОБ: Аёл киши хушбўй атирларни уй ичида ишлатса, ҳечқиси йўқ. Лекин уйидан ташқарида назарни тортиб, шаҳватларни кўзғамаслиги учун ундан фойдаланиш ман қилинган.

Аммо таркибида спирт борлиги учун унинг ҳаром қилиниши ҳақидаги гап хатодир. Чунки фақат спиртда эрийдиган нарсаларда ундан фойдаланишга рухсат берилган. Яна спиртдан дезинфекция, ёқилғи ва бошқа бир неча мақсадларда фойдаланилади. Лекин уни маст қилувчи модда сифатида ишлатиш ҳаром қилинган.



ЁТОҚХОНАДА ҚУРЬОН КИТОБИННИГ ТУРИШИ

САВОЛ: Ётоқхонада Қуръон китоби туриши, шунингдек, бу хонада намоз ўқиш ҳаром ҳисобланадими?



ЖАВОБ: Ётоқхонада Қуръон китобининг бўлишида ҳам, намоз ўқишда ҳам ҳеч нарса йўқ.

СОЛИҲ ЭР

САВОЛ: Одамлар доим солиҳ хотинга қўйиладиган шартлар ҳақида сўрашади. Совчилигини рад қилиб бўлмайдиган даражадаги солиҳлик сифатларини кўпчилик сўрамайди

Йигит учун солиҳа аёлнинг аҳамияти қанчалик катта бўлса, қиз учун ҳам солиҳ эрнинг аҳамияти шунчалик катта. Шундай экан, биз муслима кизга солиҳ эр бўлишини фарз қиласидаган исломий шартларни билишни хоҳлаймиз.

ЖАВОБ: Кизларига эр танлашда битта оила-нинг аъзолари Аллоҳнинг шариатидан йироқлашиб ихтилофга боришади ва шариат кўрсатмаларидан чиқишиади.

Масалан, кўпчилик кизлар эрида гўзалликни шарт қиласидилар. Оталар одатда бойликни танлашади, она эса куёвнинг мансабдор бўлишини истайди. Буларнинг ҳаммаси инсоний ўлчовлардир.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аёл тўрт (нарсаси) учун никоҳланади: моли учун, ҳасаби учун, жамоли учун ва дини учун. Бас, диндорини танла, қўлинг тупроққа қорилгур», дедилар.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Абу Ҳотим ал Музаний розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон сизга ўзингиз динидан ва хулқидан рози бўлган киши келса, унга (сўраганини) никоҳлаб беринг. Агар шундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва фасод бўлур», дедилар».

Термизий ривоят қилган ва ҳасан деган.

ҚУРЬОН ОЯТЛАРИ БИЛАН ЗИЙНАТЛАНИШ

САВОЛ: Аёллардан кўплари Аллоҳ лафзи ёки Қуръони каримдан оятлар ёзилган клонлар



осилган тилла занжирлар илиа зийнатланадилар. Бу ҳалолми ёки ҳаромми?

ЖАВОБ: Ушбу зийнатга ўхшаш зийнат билан зийнатланишда монеълик йўқ. Лекин аёл бундай тақинчоқни таққанида доимо таҳоратли бўлиб юришга ҳарис бўлиши лозим. Шунингдек, у илиа таҳоратхоналарга кириш тўғри келмайди.

Албатта, «Маа шаа Аллоҳ» каби сўзлар ёки Қуръоннинг баъзи оятлари ёзилган тақинчоқ билан зийнатланиш ўша аёlda диндорлик табиати борлигига далолат қиласди. Лекин очик-сочик, энг охирги урфдаги кийимларни кийиб олиб, бу каби ёзувли тақинчоқларни тақиб олишда кишиларни ўзига тортиш ёки йўлдан уриш мақсади бўлади. Бунда ҳач қандай савоб олинмайди, балки акси бўлади.

Аммо аёл киши ҳаёли либослар кийса, сиз зикр қилган тақинчоқлар билан оддий йўл илиа зийнатланса, бу нарсалар номаҳрамларнинг назарини тортмайдиган бўлса, ҳечқиси йўқ. Батаҳ-қиқ, Аллоҳ таоло:

«Ва зийнатларини кўрсатмасинлар. Зоҳир бўлгани мустасно», деган (Нур сураси, 31-оят).

ОИША БИНТИ АБУ БАКР РОЗИЯЛЛОХУ АНХО

Макканинг кўзга кўринган кишиларидан бири бўлмиш Абу Бакр розияллоҳу анхунинг Умму Руммон бинти Омир Канония исмли хотинлари бор эди.

Умму Руммон Исломга аввалгилардан бўлиб кирган. Ислом фидокорлари бўлган бу эр-хотиннинг оиласи ўша пайтдаги энг муваффақиятли исломий оиласардан ҳисобланар эди.

Умму Руммон қиз кўрди. Ўшанда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга пайғамбарлик келганига тўрт-беш йил бўлиб қолган эди. Янги меҳмонга Оиша деб исм қўйиши.

Ўша пайтда мусулмон ота ва муслима онадан туғилган фарзанд нодир ҳисобланарди. Оиша ана шун-

дай нодир фарзандлардан бўлиб исломий оилада ўса бошлади.

Имом Бухорий Оиша онамиз розияллоҳу анходан куйидагича ривоят қиласидар:

«Эсимни таниб, ота-онамни билибманки, икковла-рининг Ислом динини дин туттганларини биламан».

Исломга фидокор ота-онанинг тарбиясида қизча мурғаклигидан иймонли, тақволи, ихлосли бўлиб ўсади.

Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадийжча онамиздан ажраб, ёлғиз қолишлари ўша пайтдаги барча мусулмонларни ташвишга солган эди. Мўими-на аёллар ичига солиҳалиги ва фозилалиги билан



ажралиб турадиган Хавла бинти Ҳаким розияллоху анҳо бу ҳақда у зотнинг ўзларига гап очишга журъат этди:

«Эй Аллоҳнинг Расули, уйлансангиз бўлармиди?» деди.

«Кимга?» дедилар у зот.

«Қиз ҳоҳлайсизми, жувонми?» деди.

«Қиз ким-у, жувон ким?» дедилар.

«Қиз Оиша бинти Абу Бакр, жувон Савда бинти Замъя», деди Хавла бинти Ҳаким розияллоху анҳо.

Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг Оиша розияллоху анҳога нисбатан ўзларигагина маълум сирлари бор эди.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расуллоро соллаллоху алайҳи васаллам менга:

«Менга тушимда сени уч кеча кўрсатилди. Фаришта сени менга яшил ҳарир матога солиб олиб келар ва «Мана шу сенинг аёлинг», дер эди. Юзини очсан, сен бўлар эдинг. Ўзимча: «Агар бу Аллоҳнинг Ўзидан бўлган бўлса, тушимни ўнгидан келтирар», дер эдим».

Ана шунинг учун ҳам Расуллоро соллаллоху алайҳи васаллам дарҳол рози бўлиб, Хавла бинти Ҳакимдан ўз номларидан Оиша онамиз розияллоху анҳога совчи бўлишни илтимос килдилар.

Оиша онамизни оиласари бу хабарни эшишиб, хурсанд бўлишди. Абу Бакр розияллоху анҳу кизларини у зотга никоҳлаб қўйдилар. Онамиз ўша вақтда олти ёки етти ёшда эдилар. Бу тўла маънодаги оила куриш эмас, балки унаштириб қўйишдек бир гап эди.

У кишининг маҳрлари беш юз дирҳам бўлгани ҳам зикр қилинган.

Ҳижратнинг иккинчи йили Бадр ғазотидан кейин Абу Бакр розияллоху анҳу Расуллоро соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларига бориб, бундан уч йил аввал Маккада тузилган оиласарини эсларига солдилар.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам Оиша онамиз билан яшашга қарор килдилар.

Урва розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Хадийжа розияллоху анҳу Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг Мадинага ҳижратларидан уч йил олдин вафот этди. У зот икки йил ёки шунга яқин туриб турдилар. Кейин Оишани никоҳларига олдилар. У олти ёшли қиз эди. У билан бирга яшашни ҳижратдан кейин, шаввозда бошладилар. У ўшандада тўққиз ёшли қиз эди».

Оиша онамиз розияллоху анҳонинг назарларида шаввол ойи энг баҳтли ва баракали ой бўлиб қолди.

Ўша кундан бошлаб, Оиша онамиз розияллоху анҳо келинлик уйларида истиқомат қила бошлади-

лар. Бу келинлик уйи Масжиди Набавийга ёпиштириб курилган бир кичик ҳужрадан иборат эди.

Үйнинг анжомлари ҳам ўзига яраша эди: ичига хурмо қипиғи солинган тери тўшак, оддий бўйра, эшикка эса жун парда тутилган эди.

Келиннинг ўзлари бўлса енгил жуссали қиз бўлиб, кўзлари катта-катта, жамалак соч ва қизил ёноқли эдилар.

Аммо бу кичик ҳужра ҳам, ўша кичик ҳужрадаги кичик келин ҳам бутун дунёга татир эди.

Худди ана шу кичик ҳужра Ислом умматига кўплаб фойдалар берди, у умматнинг марказига айланди.

Худди ана шу кичиккина келин шу кичик ҳужрага кирган биринчи кундан бошлаб, барча ишларни ўз қўлига олди.

Худди ана шу кичик келиннинг умр бўйи фахрланиб юрадиган яна бир нарсаси бор эди: у киши Расуллоро соллаллоху алайҳи васалламга қиз ҳолида теккан бирдан-бир завжай мutoҳҳара эди.

Оиша онамиз розияллоху анҳо Расуллоро соллаллоху алайҳи васалламнинг ёnlарида бўлишлари билан бирга, ёш, ўткир зеҳнли, кучли ҳофизали, юксак фаросатли ва илмга ўч зот эдилар. У киши Расуллоро соллаллоху алайҳи васалламдан турли масалаларни сўраб, чарчамас эдилар.

Оиша онамиз розияллоху анҳо Қуръони каримни тўлиқ ва пухта ёд билганликлари билан шуҳрат топган эдилар. Улумул Қуръон номли илм мутахассислари Қуръони каримни биринчи бўлиб тўлиқ ва пухта ёд олган зотлар ҳақида сўз юритганларида Оиша онамиз розияллоху анҳонинг исмларини дастлабкилар қаторида ёдга олишади.

Шу билан бир қаторда, Оиша онамиз розияллоху анҳо Қуръони каримнинг тафсирини ҳам жуда яхши билганлар.

Кўплаб машҳур сахоба эркаклар ўзлари ҳал қила олмаган масалаларни ҳал қилиб беришни Оиша онамиздан сўрашар эди.

Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Кай бир ҳадис биз, Расуллоро соллаллоху алайҳи васалламнинг сахобаларига ишкол бўлиб, Оишадан сўрасак, албатта, унинг хузурида илмни топар эдик», деди».

Ҳазрати Оиша розияллоху анҳо тафсир, ҳадис, фикҳ, араб тарихи ва адабиётидан ҳамда бошқа ўша вақтда мавжуд кўплаб илмлардан яхши воқиф эдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларига келсак, Оиша онамиз розияллоху анҳо ҳадисларни кўп ривоят қилишда иккинчи ўринда

турадилар. Оиша онамиз Расули Акрамдан 2210 та ҳадис ривоят қилғанлар ва бу соҳада Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан кейин турадилар.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳо ўта сахий зот эдилар. У кишининг сахийликлари Аллоҳ таолонинг розилиги учун ўзларида бор молу дунёни чин дилдан, савоб умидида сарфлашдан иборат эди.

«Хулятул авлиё» китобида Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан қуидагилар ривоят қилинади:

«Оиша розияллоҳу анҳонинг етмиш мингни тақсимлаб берганини кўрдим. Ҳолбуки, ўзининг кўйлагининг ёқаси ямоқ эди».

Исломда кўплаб кулларни озод килган аёллар бўлган. Оиша онамиз розияллоҳу анҳо ўшалардан биридиirlар. Улар ҳаммаси бўлиб олтмиш еттига қул озод этганлар.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг Ислом жамиятида тутган кўплаб олиймақом ўринлари ичida тарбиячилик мақоми ҳам улуғ эди. У кишининг гаплари ҳаммага баробар таъсир қиласди.

Мўминларнинг онаси эр-хотин орасидаги муҳаббат бардавом бўлишига катта эътибор берар эдилар. Улар бу борада аёллаларнинг тутадиган ўрнини яхши билганлардан уларга кўп тарбия берар ва:

«Ўзингдаги ноҳуш нарсаларни доимо кетказиб юр. Эринг учун бир ерга борганингда ясанганингдек ясангин. У сенга амр этса, итоат қил. У сен учун қасам ичса, ўша қасамига биноан иш қил. Унинг уйига у ёқтирмайдиган одамни киритма», дер эдилар.

У киши доимо аёлларни фойдали меҳнатга чорлар эдилар ва:

«Аёл кишининг кўлидаги урчуқ Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилувчи мужоҳиднинг кўлидаги найзадан яхшидир», дер эдилар. Яна:

«Эй аёллар жамоаси! Эрларингизга итоат қилганингиз, болаларингизга хизмат қилганингиз учун сизларга Аллоҳ таолонинг хузуридаги нарсаларнинг башоратини қабул қилинг! Сизлар бу дунёда мискин бўлсангиз ҳам, у дунёда анбиёларнинг хотинлари билан жаннатга биринчи борганлардан бўласиз. Аллоҳ таоло сизларнинг кабирадан бошқа гуноҳларинизни мағфират қиласди», деганлар.

Имом Абу Яъло раҳматуллоҳи алайҳи «Муснад»ида Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қиласди:

«Менга ҳеч бир аёлга берилмаган тўққиз нарса берилган:

– Жаброил алайҳиссалом Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни менга уйланишга амр қилғанларида суратимни олиб тушиб, у зотга кўрсатганлар.

– У зот менга бикр (бокира) ҳолимда уйланганлар. Мендан ўзгага бикр ҳолида уйланмаганлар.

– Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиари менинг кучоғимда турган ҳолда вафот этдилар.

– Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг уйимда қабрга кўйилдилар.

– Фаришталар менинг уйимни ўраб олган эди. У зотга мен чойшабларида турганимда вахий нозил бўлар эди. У зот мени ўзларидан узоклаштирмас эдилар.

– Мен у зотнинг халифалари ва сиддиқларининг қизиман.

– Менинг узрим осмондан нозил бўлган.

– Мен покнинг хузурида пок яратилганман.

– Менга мағфират ва қарамли ризқ ваъда қилинган».

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўн саккиз ўшларида ажраб қолган Оиша онамиз розияллоҳу анҳо у зотдан кейин яна қарийб ярим аср умр кўрдилар. У киши бу муборак умрлари давомида бутун Ислом оламининг дикқат марказида мўминларнинг онаси бўлиб ҳаёт кечирдилар.

Ҳижрий эллик саккизинчи сананинг Рамазон ойида Оиша онамиз розияллоҳу анҳо бемор бўлдилар. Бу улуғ зот беморлик чоғларида ўзларини Бақий қабристонига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошқа азвожи мutoҳҳаралари дағн қилинган жойга дағн қилишларини васият қилдилар.

Рамазондан ўн саккиз кун ўтганда душанбадан сешанбага ўтар кечаси Оиша онамиз розияллоҳу анҳо дорул фанодан дорул баҳога риҳлат қилдилар.

У киши ўша кечаси витр намозидан кейин дағн қилиндилар. Жанозага жуда кўп одам келганди. Мадинаи Мунавварада ўша кечадаги каби кўп одам йиғилмаган эди.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг жанозалари ни буюк саҳобий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ўқидилар.


Аллоҳ таоло Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан рози бўлсин.

«Ҳадис ва Ҳаёт» китоби асосида тайёрланди.

ДҮНЁ ИБОДАТДАН ОЗДИРМАСИН...



Бир одам бозор оралаб борарди. Қулоғига муаззиннинг намозга чақириғи эшилди. Аzon товуши тобора яққол эшилилар, одамлар, юмушларини ташлаб, ибодатга шошаётган бир пайт. Беҳосдан унинг нигоҳи бир аёлга тушди. Аёл қоп-қора либосга бурканган, юзида ҳарир пардаси бор. Аёлнинг чехрасини кўришга имкон бўлмаса-да, ҳалиги одамга у жудаям чиройли ва жозибадор кўриниб кетди. Нотаниш аёл ҳам нотаниш эркакнинг ўзига маҳлиё бўлиб қолганини сезиб, у томон ўғирилди. Кейин сезилар-сезилмас бошини хиёл эгиб, ипакчи савдогарлар расталари томон бурилар экан, уни аста ўзига чорлади. Бу не ҳолки, эркакнинг бутун вужудига чақин тушгандек бўлди. Шу заҳоти қалбини аллақандай ҳислар чулғаб, аёлнинг қарашларидан эси оғаёзди. Ақл унга намоз пайти бўлганини бот-бот уқтирас, кўнгилда эса унинг акси. У ҳою-ҳаваслар оғушида. Бир тарафда тафаккурнинг ибодатга ундаши, бир томондан ҳис-туйғулар, ўртада сарсон одам... Аниқ тўхтамга келишга нимадир тўскинилк қиляпти. У икки ўт орасида қолган эди. Ниҳоят у оҳиста аёлнинг ортидан эргашди, аёлнинг ортидан ипак сотувчи савдогарлар растаси томон



йўл олди. Нафаси бўғизига қадалганча ўзидан анча илгарилаб кетган нотаниш хурлиқога етиб олиш учун шошди. Қарангки, кўз очиб-юмгунчалик сонияларда ҳалиги аёл бир қатор дўконлару савдо расталарини босиб-босиб ўтиб, бозорнинг нариги қисмига етиб қолди. Аёл яна ортига ўғирилиб, шундай қарадики, юзидаги ҳарир парда ортидан ҳам майнин табассум ва нозли ишваси яққол намоён бўлгандек гўё. Бу хаёлотми ёки ҳакиқат, англаб бўлмасди. Шўрлик кишининг жисму жонини кучли ҳаяжон чулғаган. Англаб бўлмас ажиб бир ширин туйғулар оғушида дил ўртанади. Ким у? Балки, қайсиdir бадавлат хонадоннинг эрка қизидир? Унинг мақсади нима? Нима

истайди ундан? У қадамини янада тезлатди. Ҳув нариги муюлишга, бояги нотаниш моҳичехранинг қораси кўринмай кетган томонга шитоб билан юриб кетди. Аёл эса уни қайта-қайта ўзига чорлайди. Лекин юришдан тўхтамайди. Тутқич бермас аёл темирчилик, ундан кейин буюм бозори, сўнгра озиқ-овқат дўконларини ҳам ортда қолдириб, йўлида давом этади. Қизнинг нозу карашмасидан беҳаловат йигит қалби унга эргашишга ундаиди. Улар бир-бирларини учратган жойдан анча жойгача йироқлаб кетишли. Бу вақт оралиғида йигитнинг аёлга бўлган қизиқиши кучайса-кучайдики, аста сўнмади. То шаҳарнинг бир чеккасига етгунларича аёл уни ўзига яна ва яна чорлайверди.

Куёш уфқقا бош қўйиш арафасида. Мана, оқшом ҳам тушди. Аёл эса одатдагидай яна ҳалиги одамнинг рўпарасида намоён. Бир дақиқага ҳам тўхташ йўқ. Улар кетма-кет йўлда кетаверишиди-кетаверишиди.

Эҳ-хе, не-не йўлларни, қанча довонларни бошиб ўтишмади дейсиз... Тез орада улар Ўликлар шахрига етиб келишиди. Агар йигитнинг ақли-хуши жойида бўлганида, кўрқанидан юраги тарс ёрилиши тайин эди. Бироқ у иштиёқ, майл оғушида, висол орзусида маст. Нотавон йигитнинг қаерга келиб қолганини англашга онгу шуури озиж. Негаки, унинг вужуди ақлга эмас, юракка бўйсуниб улгурган. Шу боис ҳам етиб келган манзили уни у қадар даҳшатга солмади, эҳтимол.

Ва ниҳоят у кутган дақиқалар етиб келгандек бўлди. Мұҳаббатига етишиш учун атиги йигирма қадамча қолди. Кўнгил ажид туйғудан сармаст. Тўғри-да, суюмлисисининг васлига эришиш учун не-не йўлларни босиб ўтмади, не-не машақатларни бошидан кечирмади... Шу пайт аёл яна бир бор ортига қайрилиб бокди, кейин яна олдинга одимлади, кейин эса чаққон ҳаракатлар билан зинапоялардан чопиб тушиб, эски бир хароба кулбанинг кумуш рангли дарвозаси ортида кўздан ғойиб бўлди. Бошқа пайт бўлганида-ку, йигит шу жойда тўхтаб қолган бўларди... Ҳозир эса орқага йўл йўқ... У ҳам севгилисисининг ортидан қадамбақадам бирма-бир зиналардан тушиб, ҳалиги кумушранг эшиқдан ичкарига кириб кетди.

Ичкарида эса қоп-қоронғи зулмат. Бироз тургач, унинг кўзлари аста-секин қоронғиликка мослашди. Аёлнинг қадам излари яна бир эшик то-

мон тулашиб кетганини кўрди. Эшик ортидан ярқ этган нур кўринди. «Хайрият, ёруғлик ҳам бор экан-ку», деганча аста хона ичига кирди. Бундай уйни у умрида кўрмаганди. Кенг хона, деворларига осма чироқлар ўрнатилган. Эшик рўпарасидаги ўриндиқда юмшоқцина пар ёстиққа суюнганича қалб ўғриси – ҳалиги қоп-қора либоидаги аёл ястаниб ўтирибди. Унинг чап томонида кудук бор эмиш.

«Эшикни маҳкамроқ ёпинг-да, – дея бўғиқ овозда шивирлади аёл, – қалитни менга олиб келлинг».

Йигит аёлнинг буйруғини сўзсиз бажарди. Кейин аёл унга қўли билан қудукни кўрсатиб ишора қилди: «Қалитни қудукқа ташланг». Фикрлашга ожиз ақлнинг бир чеккасида соғлом тафаккур ялт этиб чақнагандек бўлди-ю, бироз иккиланиб қолди. «Қани, бўлақолинг, – дея кулди аёл. – Ахир менинг ортимдан келаётганингизда, ибодатларни қолдираётганингизда ҳеч иккиламмаган, хавфсирамаган эдингиз-ку...» Орага оғир сукунат чўмди, бир оғиз гапиришга ақл хайрон, тил эса лол. Чорасиз йигит қудук тубига бир назар ташладида, қалитни астагина пастга улоқтириди. Шу пайт юрак қафасдан чиққудек типирчилаб, танаси титроқдан зир-зир титрай бошлади. Аллақандай даҳшат ва нохушликни сезгандек, қалб бесаранжом. Вақт эса ўтиб борарди. Негадир бирорта ҳам товуш эшиклиниди. Сукунат, жим-житлик...

«Мана энди мени кўрадиган, юзимга боқадиган вакт келди, – дея аёл юзидаги пардасини кўтарди. Йигитнинг кўз ўнгига дуркун ва гўзал юзли, хўшрўй аёл эмас, балки юзларини ажин босган, бадбашара кампир намоён бўлди. – Менга яхшилаб, диққат билан назар сол. Менинг исимим Дунё! Мен мана шу Дунёман. Мен сенинг мұҳаббатинг ва севгилингман... Маълум бир муддат шу ерда мен билан бирга қоласан. Бу жой сенинг қабринг. Хуш келибсан!»

Дунё қаҳ-қаҳ отиб кулди. Унинг танаси тутунга айланиб кетгунича кулаверди, қаҳ-қаҳ отаверди.

Чироқларнинг бир-бир ўчаётганига қараганда, Дунё яна қай бир кўнгиллар, қай бир манзилларни қоралаб, зулмат аро кетиб борарди...

Ойдинхон ВАҲОБЖОН қизи тайёрлади.

ЗАКОН ОЛШЫМ

Кунлардан бир кун Имом Абу Ҳанифа яшайдиган махаллада ўғрилик содир бўлибди. Кечқурун ўғрилар ишини битириб чиқиб кетаётганда, уй эгаси уларни таниб қолибди, қараса, масжидга чиқадиган бир киши. Аммо буни билган ўғрилар уй эгасига бизни айтмайсан, деб дўқ қилиб, қасам ичириб чиқиб кетишибди. Жабрдийда эса нима қилишини билмай қолибди. Ўғрини айтай деса, қасам ичган, айтмай деса, мол-мулкидан айрилган.

Кундузи Имом Абу Ҳанифанинг хузурига бориб, бўлган воқеани айтиб берибди. Имом ҳам унинг сўзларини эшитиб бўлиб, «Намоз пайтида масжидга яқинларингдан олиб кел», дебди. Ўзи ҳам бир неча кишилар билан ўша масжидга чиқибди.

Намоз ўқиб бўлинганидан сўнг масжидни Имом Абу Ҳанифа ва жабрланган кишининг одамлари ўраб олиб, барчани бир эшикдан бирма-бир чиқаришибди. Шунда Имом Абу

Ҳанифа: «Масжиддан кишилар чиқиб келаётганда ўғри бўлмаса, «Йўқ», дейсан. Ўғрини кўрганингда жим бўласан, индамайсан, имо-ишора ҳам қилмайсан», дебди. Келишиб олингандек, намозхонлар бирма-бир чиқарилибди. Жабрланган киши ўғри чиқмагунча «Йўқ», деб турибди. Ўғри келганда эса жим турибди ва ўғри тутиб олиб кетилибди. Махкамада барча айбларини тан олиб, ўғирланган нарсаларни қайтариб берибди.

Шундай қилиб, Имом Абу Ҳанифа кишининг ботил бўлса-да, қасамини буздирмасдан ўғрининг айбини фош қилибди. Бу эса олимнинг фойдали илм соҳиби эканига далолат қиласди.

*Абдуллоҳ Сабазмунийнинг
«Қашғ ал-осор фи маңақиб
Абу Ҳанифа» асари*

Дёл баҳти

(Боши ўтган сонда)

Безовталик, қайғу ва аламни кетказадиган сабаблардан бири – сўз, ҳаракат ва барча яхшиликлар билан эҳсон (яхшилик) қилишдир. Аллоҳ таоло яхши одамдан ҳам, ёмон одамдан ҳам қилган яхшиликларига қараб қайғу ва ғамларини кетказади. Бироқ мўминнинг бу борада ҳам кўп насибаси бор. Унинг яхшиликлари самимийлик ва савобни умид қилиш билан ажралиб туради. Яхшиликни ният қилгани учун ҳам Аллоҳ таоло мўминга яхшилик қилишни енгил қилиб, ихлос ва савобни умид қилишига қараб заарларни даф қиласди. Аллоҳ таоло деди:



«Уларнинг қўплаб маҳфий сухбатларида яхшилик йўқ, садакага, маъруфга ва одамлар орасида ислоҳга буюрган кишигина бундан мустасно. Ким буни Аллоҳнинг розилиги учун қилса, албатта, унга буюк ажр берурмиз» (Нисо сураси, 114-оят).

Аллоҳ таоло бу ишлар шу ният билан қилган кишилардан содир бўлсагина яхшилик бўлишидан дарак берди. Яхшилик яхшиликни келтиради ва ёмонликни даф қиласди. Савоб умидида бўлган мўминга Аллоҳ таоло катта ажр беради. Алам, ғам ва қайғунинг йўқолиши ҳам катта ажрлардандир.

Фасл

Асабларнинг таранглиги ва баъзи мусибатлар сабабли қалбнинг машғул бўлишидан вужудга келган безовталикни даф қилиш сабабларидан бири – фойдали бўлган иш ва фикрлар билан машғул бўлишдир. Бу қалбни безовта қилган нарсалардан чалғитади. Гоҳида шу сабабли киши қайғу ва аламга сабаб бўлган нарсаларни унугтади ва кувониб, ишлардаги фаоллиги ортади. Бу сабаб мўмин ва кофир ўртасида муштаракдир. Бироқ мўмин иймони, ихлоси (самимийлиги), ўргатиш, ўрганиш ва қилаётган хайрия ишлари ибодат бўлса ибодат қилиши, дунёвий ишлар ёки одатлар бўлса, яхши ният билан адо этиши ва буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таоло учун бўлишида У Зотдан ёрдам сўраши билан ажралиб туради.

Шунинг учун ҳам ғам, қайғу ва аламларни кетказишда уларнинг катта таъсири бордир. Безовталик ва мусибатлар сабабли турли касалликларга мубтало бўлган қанча-қанча одамлар борки, бу касалликларнинг давоси ушбу безовталиктан сабаб бўлган сабабларни унугтиш ва муҳим ишлар билан шуғулланишдир.

Табиийки, шуғулланиладиган иш одамнинг қалби хоҳлаган ва муштоқ бўлган иш бўлиши керак. Шундагина мақсадга эришиш осон бўлади. (Аллоҳ барча нарсаларни Ўзи яхшироқ билади).

4. Безовталик ва ғамни кетказадиган сабаблардан бири – фикрни кундалик ишлар учун жамлаш,

келажакда бўладиган нарсалар ва ўтмишда бўлган қайгулар ҳақида ўйламаслиқдир. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғам ва қайғудан паноҳ сўрадилар. Қайғу – қайтариш ва топиш мумкин бўлмаган ва ўтмишда бўлиб ўтган ишлардир. Ғам эса келажакда бўладиган хавф сабабли пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам банда бугунининг кишиси бўлиб, ўша куннинг ислоҳи учун барча куч-куватларини жам қиласди. Зоро, бунинг учун қалбни жам қилиш амалларни жам қилишни тақозо этади ва банда шу билан ғам ва қайгуларидан ҳалос бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қиласдиган бўлсалар ёки умматларига бирон дуони ўргатмоқчи бўлсалар, Аллоҳдан ёрдам сўраш ва У Зотнинг фазлини умид қилиш билан бирга, дуода ҳосил бўлишини умид қилган нарсасининг ҳосил бўлиши учун ва даф бўлишини умид қилган нарсасидан кутулиш учун ҳаракат қилишга ундар эдилар. Чунки дуо ва ҳаракат бир-бирига боғлиқдир. Банда дин ва дунёда фойдали бўлган нарсаларга интилиб, мақсадининг муваффақияти учун ёрдам сўрайди. Зоро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Сизга фойдали бўлган нарсалар учун тиришинг. Аллоҳдан ёрдам сўранг ва қўрқманг! Сизга бирон бир мусибат етса, «Агар ундей қилсан, бундай бўлар эди», деб айтманг. Балки Аллоҳ шундай тақдир қилибди, У хоҳлаган нарсасини қиласди», деб айтинг. Чунки «агар» сўзи шайтоннинг ҳаракат йўлларини очади».

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир ҳолатда фойдали ишларга буюриш, Аллоҳдан ёрдам сўраш ва ялқовликка сабаб бўладиган ожизликка бўйсунмаслик билан ўтган ишларга бўйсуниш ва Аллоҳнинг қазо ва қадарини мушоҳада қилиш ўртасини жам қилдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ишларни икки қисмга ажратдилар.

Биринчи қисм: Банда бутунлай ёки қисман эришиш, ёки даф қилиш, ёки енгиллатиш учун ҳаракат қилиши мумкин бўлган ишлар.

Банда бу ишларда маълум бир ҳаракатларни қилиши ва Роббидан ёрдам сўраши мумкин.

Иккинчи қисм: Банда ҳаракат қилса-қилмаса бўлиши муқаррар бўлган ишлар.

Банда бу ишлар учун хотиржам, рози ва таслим бўлади.

Шубҳасиз, бу асосга риоя қилиш қувончнинг ҳамда ғам ва қайгулар йўқолишининг сабабларидандир.

Фасл

Хотиржамлик ва қалбнинг сурурига сабаб бўладиган нарсалардан бири Аллоҳ таолони кўп эслашдир. Чунки хотиржамлик, қалбнинг сурурида, қайғу ва ғамни кетказишида бунинг катта таъсири бор. Аллоҳ таоло марҳамат қиласди: «Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топур!» (Раъд сураси, 28-оят).

Банда Аллоҳнинг савоби ва розилигини умид қилгани учун ҳам бу ишларда Аллоҳни зикр қилишнинг катта фойдаси бор.

Аллоҳнинг зоҳирий ва ботиний неъматлари ҳақида гапириш ҳам қалбнинг хотиржамлиги ва суруридир. Бу неъматларни билиш ва улар ҳақида сўзлаш билан Аллоҳ таоло ғам ва қайғуни даф қиласди. Аллоҳ таоло бандаларини бу неъматларга шукр қилишга ундейди. Зоро, шукр неъматларнинг энг олий мақомларидан биридир. Ҳатто фақирлик, бетоблик ва бундан бошқа мусибатлар ичida бўлса-да, банда Аллоҳ таолонинг берган беҳисоб неъматлари билан бошига етган мусибатни таққослар экан, неъматлар олдида бу мусибатнинг асари ҳам қолмайди. Балки Аллоҳнинг имтиҳон учун берган қийинчилик ва мусибатлар сабрли, рози ва тақдирга бўйсунган банда учун енгил бўлади. Банданинг мусибатлар эвазига ажру савоблар олиши, Аллоҳга сабр ва розилик каби вазифаларни ибодат қилиб адо этиши аччиқ нарсаларни ширин нарсаларга айлантиради. Натижада ажру савобнинг ҳаловати сабрнинг аччиқликларини унуттиради.

Бу борадаги энг фойдали бўлган нарса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йўллаган ишни амалга оширишдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Сизлар ўзингиздан пастдагиларга қаранглар, ўзингиздан юқоридагиларга қараманглар. Чунки Аллоҳнинг сизга берган неъматларини камситишингиз мумкин». Банда бу насиҳатларни кўз ўнгига келтиради экан, оғият ва сабаблари ҳамда ризқ ва сабабларида қандай ҳолатда бўлмасин, ўзининг махлуқотлар ичida накадар юксак мақомда эканини билади, натижада унинг безовталиги, қайғуси ва ғамлари йўқолиб, Аллоҳнинг буюк неъматларига бўлган сурури ва қувончи зиёда бўлади. Банда Аллоҳнинг зоҳирий ва ботиний, диний ва дунёвий неъматлари ҳақида тафаккур қиласди, Роббининг кўп яхшиликларни бериб, кўп ёмонликларни даф қилганини билади. Шубҳасиз, бу ғам ва қайгуларни кетказиб, қувончларни келтиради.

АЛЛОҲДАН ҚЎРҚ, ТАҚВО ҚИЛ!



Эй муслима синглим! Сўзларимга қулоқ тут! Бу кичик насиҳатим сенинг ва менинг охиратим учун манфаатлидир. Асло бу насиҳатни кичик санама, чунки бу насиҳат сени жаннат йўлларига бошлади. Эй муслима синглим! Дунёда ҳеч инсон таърифини айтиб тугата олмайдиган, неъматлари туганмас маконга эга бўлишни хоҳлайсанми? Аллоҳдан қўрққин, тақво қил! Шубҳа йўқки, жаннат тақводорларни кидир. Гарчи бу тақво бизнинг замонамиз одамлари ичida камайиб кетаётган бўлса ҳам, гарчи бу қўрқув замонамиз одамлари ичida йўқолиб кетаётган бўлса ҳам, сен Аллоҳдан қўркувни бир лаҳза унутма. Чунки саҳобаи киром розияллоҳу анхумга, солих инсонлар раҳматуллоҳи алайҳимга «Аллоҳдан қўрққин», дейилса, ҳар қандай ҳолатда бўлсалар-да, ўзларини йўқотиб қўяр, қилаётган ишларидан тўхтаб қолар эдилар. Улар бугунги бозорларда харидорларни алдаб: «Биз Худодан қўрқамиз», деб ўтмайдиган молларини ўтказаётган савдогарлар каби эмас эдилар. Аммо амалларида беҳосдан ножӯя харакатлар содир бўлганда, «Эй фалончи, Аллоҳдан қўрққин», дейилса, шунинг ўзи кифоя эди. Қилаётган амалларидан тўхтар, Аллоҳдан қўрқиб, титраб йиғлар эдиларки, уларни овутувчи бирор киши топилмай қоларди.

Эй муслима синглим! Дунёда қилган ҳар бир амалинг учун сўраладиган, одам-лар даҳшатдан терлари ичра фарқ бўладиган маҳшар куни яқин. У кунда Аллоҳнинг Арши соясида сояланадиганлардан кўпчилиги тақводорлар, Аллоҳдан қўрқиб, ёмон амаллардан ўзларини тиядиганлардир.

Эй муслима синглим! Тақво, Аллоҳдан қўрқув сени икки дунё саодатига йўллайди. Бу дунёда ҳам Аллоҳнинг марҳаматига эришасан. Ўзинг билмаган жойдан неъматлар ёғилур.

Аллоҳ таоло марҳамат қиласи:

«Албатта, Аллоҳ бир қавмдаги нарсани, токи улар ўзларидаги нарсани ўзгартиргунларича, ўзгартирмас» (Радъ сураси 11-оят).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бану Исроиллик бир киши ҳақида айтиб бердилар: **«У Бану Исроилликларнинг биридан минг динор қарз сўради. Шунда у: «Менга гувоҳлар келтир, уларни гувоҳ қиласи», деди. У: «Гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қиласи», деди. «Бўлмаса менга кафил келтир», деди. «Кафилликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қиласи»**».



ди», деди. У: «Түғри айтдинг», деди-да, унга ўша нарсаны маълум муддатга берди. У денгиз орқали йўлга чиқиб, юмушини битирди. Кейин у (қарз берган киши) белгилаган муддатда унинг олдига етиб келиш учун мингани улов излашга тушди, бироқ бирорта ҳам улов топа олмади. Шунда у бир ёғочни олиб, уни ўйди-да, унга минг динорни ва унинг эгасига ўз номидан бир хатни жойлаб, ўрнини маҳкамлади. Кейин уни денгизга олиб борди-да: «Аллоҳим! Албатта, Сен биласанки, мен фалончидан минг динор қарз олган эдим. Шунда у мендан кафил сўраганида «Кафилликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қиласи», дедим. У Сенга рози бўлди. У мендан гувоҳ сўраган эди: «Гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қиласи», дедим. У Сенга рози бўлди. Мен унинг нарсанини унга жўнатай деб улов топиш учун бор кучим билан ҳаракат қилдим, эплай олмадим. Мен уни Сенга топширдим», деди ва уни денгизга отди, (ёғоч денгизда) оқиб кетди. Кейин (ӯша одам) қайтиб кетди. Ўшанда у ўз юртига йўлга чиқиш учун улов излаётган пайтда унга қарз берган киши ҳам молини келтирган бирор улов келиб қолгандир, деган умидда бир кўздан кечириш учун (соҳилга) чиқиб келган эди. Қараса, ичида пули бор бояги ёғоч. Уни ўтин қилиш учун уйига олиб кетди. Сўнг уни

арралаган эди, пул билан хатни топди. Кейин у қарз берган ўша киши минг динор кўтариб келиб: «Аллоҳга қасамки, пулингни ўзингга етказиб келиш учун улов излаб, бор кучим билан тинимсиз ҳаракатда бўлдим, бироқ ушбу миниб келганимдан аввал бирорта ҳам улов топа олмадим», деди. У: «Менга бирор нарса жўнатганимидинг?» деди. «Сенга ушбу миниб келганимдан аввал бирорта ҳам улов топа олмадим, деяпман-ку», деди. «Аллоҳ ёғочда жўнатган нарсангни сенинг номингдан ўтаб бўлди. Энди минг динорни олиб, тўғри кетавер!» деди».

Мана сенга Аллоҳнинг «Ким Аллоҳга тақво қилса, унинг йўлини очиб қўядир. Ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ берур» (*Талоқ сураси, 2-3-оятлар*) деган сўзига мисол.

Эй муслима синглим! Аслида биз нақд деб ўйлаётган бу дунё нақд дунё эмас. Биз насия деб ўйлаётган охират дунёси нақддир. Унда нақд жаннат бор. Унда нақд неъматлар бор. Бу дунёда кўп нарсаларга эриша олмаслигинг, эртага бир ишни қиласман, деб бугун вафот этишинг мумкин. Охират ундей эмас, жаннат ундей эмас. Эй муслима синглим, жаннат абадийдир. Жаннат нақддир. Аллоҳдан қўрқиб, тақво йўлини тутгин.

Дилором тайёрлаган.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛ АЗИЗЛАР!

Бугунги кунда фарзанд таълим-тарбиясида уларнинг хотираларини ривожлантириши, ўқиши тезлигини ошириш асосий ўрин эгаллади.

Бугун биз сизларга онг ва хотирани ривожлантириш учун интеллектуал ўйин тарзида олиб бориладиган машқларни келтириб ўтамиз.

Тез эслаб қолиш методикаси бош мия ярим шарларининг ассиметриясига асослангандир. Чунки миянинг ўнг томон ярим шари ҳиссий, образли ўзлаштиришга, чап томон ярим шари эса мантикий ўзлаштиришга жавоб беради. Хотира мустаҳкамланиши учун икки томон ярим шарлари бир вақтда ишлаши керак. Атроф-оламни барча сезги аъзолари иштирокида кенг қамровда ўрганиш боланинг хотирада сақлаб қолиш қобилиятини ривожлантиришда самарали натижада беради. Хотирани ҳар ҳафта тест орқали назорат қилиш бу борада энг самарали усувлардан бириди. Ҳар галги тестларнинг натижаси аввалгиси

билан солиширилса, болада ўзига ишонч, дарсларга иштиёқ ортади.

1-тест. Боланинг ёшига қараб 3 ёки 5тадан 10тагача бўлган тоифадош сўзларни болаларга ўқиб эшиттирилади. Ҳар бир сўз орасида 5 ёки 10 сония тўхтаб туриш аҳамиятлидир.

Энди эса улардан айтилган сўзларни сиз айтган тартибда такрорлашларини сўранг. Ҳар бир сўз учун 1 балл берилади. Агар унтилса, 1 балл олиб ташланади, агар ўрни алмашган бўлса, 0,5 балл берилади.

2-тест. Худди шу тарзда олиб борилади, фактат сўзлар ўрнига сонлар айтилади.

3-тест. Образлар ёрқинлиги даражасини қуидагича текширамиз. Бола кўзларини юмиб, бирор гулни (ёки бошқа бирор предметни) ўз тасаввурига суюнган ҳолда чизади. Баллар қуидагича қўйилади:

Боланинг реакцияси	Балл
<i>Кўрмаяпман</i>	<i>0 балл</i>
<i>Тезда гойиб бўлаётган суст чизгилар</i>	<i>1 балл</i>
<i>Аниқ-тиниқ тез гойиб бўлувчи чизгилар</i>	<i>2 балл</i>
<i>Мустаҳкам оқ-қора образ</i>	<i>3 балл</i>
<i>Мустаҳкам рангли образни кўзи очиқ бўла туриб кўраётган бўлса</i>	<i>4 балл</i>
<i>Агар 6 баллик чизгиларни фантазия билан ўзгартира олса</i>	<i>5 балл</i>
	<i>6 балл</i>

Бу тестни кунда ёки кун ора ёки хафтада бир марта самараси билингунча ўтказиши мақсадга мувофиқдир. Болани янада кизиктириш учун бир катта варакқа ёрқин рангларда унга қўйилган балларни ёзаб, унга кўринадиган жойга осиб ёки ёпишириб қўйинг. Яна бир маслаҳат: бу баллар ёзилган варакни таомланадиган жойга осинг, ва тайёрланган озуқаларнинг

таркибидаги витаминаларнинг фойдаларини, бу витаминалар балларининг ошишига сабаб бўлишини тушунтиринг. Шунда у хотиранинг ривожи учун фойдали бўлган сабзавот ва меваларни, ҳар қандай таомни ейишдан бош тортмасдан, мамнунлик билан ея бошлайди.

Нозима

АБУ ТУРОБ

(Боши утган сонда)

Али: «Бобожон, боя мен сиздан «Нима учун менга «Абу Туробга ўхшаган бўлгин», дедингиз?» деб сўраган эдим, жавоб бермадингиз. Абу Туробнинг менинг исмим билан нима алоқаси бор?» деди.

Кария сал нарироқдаги боғни бир кўздан кечириб олгач, соқолини силай туриб деди:

«Сизларнинг муштлашаётганингизни кўрганимда, сенга «Абу Туробга ўхшаган бўлгин», дедим. Чунки сенинг исминг Али. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиларининг ўғиллари Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг кунялари Абу Туроб бўлган.

Шунда ҳамма болалар бараварига: «Соллаллоҳу ва саллама ўалаа Росулинал карим ва аалихил киром ва розияллоҳу ъан саҳобатихи ажмаъийн», дейишиди (Аллоҳ қарамли Расулимизни, у зотнинг муҳтарам оли байтларини ёрлақасин, салавот йўлласин, у зотнинг барча саҳобаларидан рози бўлсин).

Кария сўзида давом этиб: «Али розияллоҳу анху бақувват, кучли паҳлавон саҳобалардан бири эдилар, шунга қарамай, дўстлари ва тенгдошларига, айниқса улардан бўлган заифхолларга нисбатан юмшоқ эдилар, у киши ёмонлик қилганларни кечирап, муҳтоҷларга ёрдам берар эдилар», деди.

Али оқсоқол айтган ҳамма нарсани ўйлаб кўриб, унинг ниятини тушунди.

Оқсоқол Али билан муштлашмоқчи бўлган болала бурилиб караб:

«Сенинг исминг Умар, шундайми?» деди.

Бола ҳайрон бўлиб:

«Ха, бобо, лекин исмимни қаердан билдингиз?» деди.

«Тўғрисини айтсам, ҳамма болаларни танимайман. Фақат масjidга ҳар доим келадиганларнинг исмини бир-бирларини чақирганларидан ёдлаб оламан».

Кария ўзига ҳайратланиб қараб турган болаларга бир-бир назар солиб чиқди. Сўнgra ҳассасининг учун билан улар тарафга бирма-бир ишора қилиб:

«Сенинг исминг Аммор, сен Саъдсан, сен Абдулазиз, сен Мухаммад, сен эса Убайда», дея ҳаммаларининг исмларини айтиб чиқди. Болаларнинг сони ўнтадан кўпроқ эди.

Болалар қариянинг ниҳоятда эътиборлилиги ва хотираси кучлилигидан ҳайрон бўлиб туришарди.



Оқсоқол гапини давом эттириб:

«Али ва Умарнинг тортишаётгандарини кўрганимда, Алига: «Абу Туробга ўхшаган бўлгин!» дедим. Унинг худди Али розияллоҳу анху каби чин муҳаббатли, вафодор, ҳимоячи, ҳақиқий дўст бўлишини, дўсти Умар билан уршиш ўрнига уни бошқа ёмон болалардан ҳимоя қилишини истаган эдим. Чунки ҳазрати Али дўсти ҳазрати Умар ибн Хаттобга ҳаққоний, вафоли, муҳлис дўст бўлган эди. Аллоҳ ҳаммаларидан рози бўлсин. Бир-бирларини ёқтирумайдиган хусуматчи бўлишларини хоҳламадим», деди.

Саволлар:

1. Нима учун оқсоқол Алига: «Абу Туробга ўхшаган бўлгин», деди?

А. Чунки у тупроқ ўйнар эди.

Б. Чунки унинг исми Али эди. Абу Туроб эса, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхунинг исмлари.

В. Чунки у уни эркаламоқчи бўлди.

2. Оқсоқол Али розияллоҳу анхуни қандай сифатлади?

А. Бақувват жисмли, дўстларига юмшоқ.

Б. Ғазаби қаттиқ.

В. Таом берувчи қарамли киши.

3. Али билан муштлашмоқчи бўлган боланинг исми нима?

А. Усмон.

Б. Саъд.

В. Умар.

4. Оқсоқол маҳалладаги болалардан кимларни танир эди?

А. Ҳаммаларини.

Б. Кўпларини.

В. Улардан масjidга мунтазам келадиганларини.

«Мабарроту ал-Али ва ал-асхабиҳи» муассасасининг

«Қария ва дўстлари» журналидан.

Одинахон Мухаммад Юсуф таржимаси

АКСИРИШ ВА ЭСНАШ ОДОБИ

Аксирининг ҳам ўзига яраша одблари бор.

Акса уриб, Аллоҳга шукр қилган мусулмонга мусулмон биродарлари жавоб қайтаришлари лозим. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан шундай ривоят қиласидар: «Мусулмон кишининг ҳар бир мусулмон устида олтита ҳакқи бор. Бир-бирига дуч келганда салом бериши, бири чакирганда иккинчиси «Лаббай», деб бориши, маслаҳат сўраганда унга панд-насиҳат қилиши, аксириб, Аллоҳга ҳамд айтганда жавоб қайтариши, бири касал бўлганда иккинчиси бориб кўриши, мусулмон вафот этганда жанозасига бориши лозим».

Бу ҳадиси шарифдан мусулмонлар бир-бирига меҳрибон бўлишлари лозимлигини билиб оламиз. Имом Бухорий Пайғамбаришимиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан шундай ривоят қиласидар: «Албагта Аллоҳ таоло аксиргандарни яхши кўради ва эснагандарни ёмон кўради. Бирорта мусулмон аксириб, Аллоҳга ҳамд айтганда, буни эшитган ҳар бир мусулмоннинг «Ярҳамукаллоҳу», деб жавоб қайтариши унинг гарданидаги бурчидир. Эснаш эса шайтондандар. Бирортангиз эснамоқчи бўлсангиз, тоқатингиз етгунча қайтаринг, чунки эснасангиз, шайтон устингиздан қулади».

Имом Бухорий ривоят қилган бошқа бир ҳадисда эса бундай дейилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ичларингизда бирортангиз аксирса, «Алҳамдулиллаҳ», десин, буни эшитган биродари эса «Ярҳамукаллоҳу», деб жавоб қайтарсин. Шунда аксирган киши «Яхдикумulloҳу ва йуслиҳ балакум», яъни «Аллоҳ ҳидоятга бошласин ва қалбинизни ислоҳ қилсин», деб дуо қилсин», дедилар».

Саҳоба Саъид ибн ал-Худрий ривоят қилган ҳадисда эса бундай дейилган: «Ораларингизда бирон киши эснаса, қўли билан оғзини беркитсин, чунки шайтон оғзига киради».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аксиргандарнида қўллари ёки этаклари билан оғизларидан

ни беркитар эдилар. Бу жуда яхши одат, чунки киши аксирганда оғзидан тупук сачраши мумкин ёки қаттиқ аксириб, атрофдаги кишиларни чўчитиб юбориши мумкин. Юзи ва оғзи беркитилганда эса овози пасайди. Киши аксирганда «Алҳамдулиллаҳи ала кулли ҳал» ёки «Алҳамдулиллаҳи Роббил аламин», дейди. Акса уриш беморлик эмас, у танисоғлик аломатидир, шунинг учун аксириб, Аллоҳга шукр қилган кишига «Ярҳамукаллоҳу», яъни «Аллоҳ сизга раҳм-шафқат қилсин», деб дуо қилинади. Аксирган киши «Алҳамдулиллаҳ», демаса, унга жавоб қилинмайди. Анас розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдида икки киши акса уришди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан бирига «Ярҳамукаллоҳу», яъни «Аллоҳ сенга раҳм қилсин», деб жавоб қайтардилар. Иккинчисига эса жавоб бермадилар. Шунда у: «Эй Аллоҳнинг Расули, унга жавоб қайтардингиз, менга эса ҳеч нарса демадингиз, сабаби нима?» деб сўради. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У Аллоҳга шукр қилди, сен эса шукр қилмадинг», дедилар». Демак, бирорта мусулмон акса уриб, Аллоҳга шукр айтса, унга уч мартагача жавоб қилинади. Уч мартадан ошса, унга жавоб қайтарилмайди.

Акса урган кишига «Соф бўлинг», деб қўйиш руслардан ўтган. Уларнинг фикрича, аксириш беморлик белгисидир. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадислардан бирида шундай дейилади: «Биродаринг аксириб, Аллоҳга шукр қилса, унга жавоб қайтар, агар унинг аксириши учтадан ошса, у тумовдир».

**«Ислом одоби ва маданияти»
китобидан олинди.**



ЁҒЛАР ХАҚИДА МАҲЛУМОТ

Бизларга инъом этилган барча неъматлар хикматлидир. Саломатлик сахифамизда сизларни табиий ўсимликлар ёғи ва уларнинг фойдалари, хусусан терига таъсири хусусида ўртоқлашамиз.

Хозирги кунда барча ўсимликлардан турли ёғлар олиниши йўлга қўйилди. Бунга асосий сабаб, у даволанишнинг табиий усулида қўл келишидир.

Ширин бодом ёғи (Сладкое миндальное) – терини юмшатиб, соғломлаштиради, барча ёшдаги турли териларга мос келади.

Жожоба ёғи – терининг чўзилувчанлигини (эластиклигини) оширади ва юмшатади; терининг қуёшда кўйишида ва экземада қўлланилади.

Буғдой ёғи – қуруқ терилар учун фойдали бўлиб, уни тез тиклаб беради.



Смородина (қорагат) баргининг ёғи – қуёшда кўйишида, кичик жароҳатларда ва шилинишларда, қуёшнинг салбий нурларидан терини муҳофаза килишда яхши натижада беради.

Зайтун ёғи – терини тинчлантиради ва исиб кетишидан сақлайди. Бўғим оғриқларида қўлланилади. Ҳамда уқалаш жараёнида энг қўл келадиган ёғи ҳисобланади.

Кокос ёғи – Хиндистонда азал-азалдан бўён ундан кичик болаларни уқалашда фойдаланилади. Бизнинг иқлимда уни эритиб ишлатиш лозим. Бу ёғнинг таркибида намлик катта микдорда бўлгани учун у қуруқ териларга нихоятда фойдалидр.



Бизнинг икlimда седана ёғи, аччиқ бодом ёғи, кунжут ёғи, саримсоқ ёғи ва канакунжут (косторовая) ёғлари тана аъзоларига қараб қўлланилади.

Терининг терлайдиган ва турли тошма тошган соҳалари учун седана ёғи фойдали ҳисобланади. У барча дардларга даво, ҳатто бурун бўшлиғига суртилса, ҳиди ҳам бронхдаги, гаймор бўшлиқларидаги ел ва шу каби барча чиқиндиларни ташқарига чиқиб кетишида самарали фойда беради.

Юзни косметик уқалашда бодом ёғи ва зайдун ёғлари қўлланилса яхши натижаларга эришилади.

Бўғим оғриқларида, қош ва киприкларни ўстиришда канакунжут ёғидан фойдаланилади. Соч тўкилишига қарши саримсоқ ёғи, седана ёғи, канакунжут ёғи ва аччиқ бодом ёғи кабилардан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёғнинг вазифаси уқалаш жараёнида тери орқали сўрилиб, сингиб, организмдаги шлакларни ташқарига чиқариб, тозалашдир.

Гуллардан олинган ёѓлар асосан косметик уқалашда, ароматерапияда инсоннинг асаб тизимини тинчлантириб, ўзини бўшаштиради ва танани рухлантиради. Натижада организм ёшаради ва албатта, тана ўзини енгил хис этади.

Демак, ёѓларнинг ҳидлари ҳам кишига ўзгача таъсир этар экан.

Агар болалар бурни оқиб қолса уларга бодом ёғини 1-2 томчидан уч маҳал томизиб, сўнг бурун учига седана ёғи суртилса, бурун бўшлиғидаги шиллик қават соғлом пушти рангга кириб, нафас олиши яхшиланади, организм кислородга тўйиниб, тез тузалади. Албатта, биз фарзандларимиз ва яқинларимизни ёѓлар билан даволашни истасак, уларни шифокор ёки фармацевт маслаҳати билан харид қилсак, мақсаддага мувофиқ бўлади.

*Йаҳдикумulloҳ ва йашификум,
саломат бўлайлик.
Нозима тайёрлади*



МЕХНДИ

Сочни хина билан бўяш хаммага таниш ҳолат. Бироқ хинани яна ҳам «шарқона» кўллаш усуллари мавжуд. Бу – меҳнди, яъни хина билан терига расм солиш. Европада бу нарса бироз бошқача кўриниш олган, яъни хина билан татуаж қилиш; бу нарса мояхиятига кўра нотўғри ҳисобланади. Меҳндининг татуаждан фарқи шундаки, у инсоннинг табиий ҳолатини ўзгартирмайди. Исломда татуаж ман қилинган, лекин хинани терини безаш учун кўллашга рухсат берилибгина қолмасдан, балки бу маҳбуб амаллардан саналади.

Кишилар қадимдан танасини турли нарсалар билан безатиб келишган. Хина билан расм солиш қадимги Бобил, Ассирия, Месопотамия, Юнонистон ва Рим империяси худудларида маълум бўлган. Хина ёрдамида солинган расмлар аёллар учун ажойиб безак бўлиб ҳисобланган. Ундан ҳозирда ҳам Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Хиндистон, Покистон томонларда кенг кўлланилади.

Хина билан расм солиш қатъий қоидаларга эга бўлмаган санъатдир, чунки хаттоки расмнинг ранги ҳам пастанинг таркиби ва одамнинг терисига қараб турлича бўлади. Шунга қарамасдан, ҳар бир маданият ўз анъаналари ва нақшларига эга. Энг соддалари – чизикчалар, нуқталар ва илмокчалардан иборат график тарздаги расмлар Шимолий Африка берберларида учрайди.

Ислом маданиятида йирик ўсимлик кўринишидағи нақшлар афзал кўрилади. Хиндистонда эса каштага ўхашаш жимжимадор расмларни ёқтиришади.

Пастани тайёрлаш:

Расмнинг сифати пастанинг сифатига боғлиқдир. Пастани бир кун олдин тайёрлаш лозим, чунки у тайёр бўлиши учун тахминан 24 соат керак бўлади. Бу рецепт 20 грамм хинага мўлжалланган, ундан 100 граммча паста ҳосил бўлади. Бу иккала кўлни тирсаккача безаш учун етарлидир.

Сизга керак бўладиган нарслар:

- Хина қуқуни.
- Янги сиқиб олинган ва сузгичдан ўтказилган лимон суви ёки лайма суви.

- Шакар.
- Хушбўй мой (ҳохишга қараб).
- Кичикроқ пластик ёки шиша косача.
- Ўлчов қошикчалари.
- Пластик пакетлар.

- Аппликатор: медицина шприци (игнасиз) ёки кичкна тешикли пластик бутилка, расм солиш учун кенг ясси таёқча (музқаймоқ таёқчасига ўхшаш).

Кечки маҳал:

Аралаштиришдан аввал хинани майда кўзли элакдан ўтказиб олиш керак. Агар сизнинг расмингизда майда чизиклар кўп бўлса, ва расмни шприц ёрдамида чизмоқчи бўлсангиз, бу нарса муҳимдир. Ингичка чизиклар яхши элаб олинган хинадан тайёрланган пастада яхши чиқади.

Фойдаланишдан тахминан 24 соат олдин 20 г хинани шиша косачага солиб, лимон сувидан қўшиб-қўшиб, хина ва лимон суви бир жинсли модда ҳолига келгунича аралаштиринг, қоришмада аралашмай қолган бўлакчалар қолмаслиги керак. Қоришма тайёрланган идишни пластик пакетга ўраб, ҳаво кирмайдиган килиб ёпинг ва камида 12 соатга илиқ жойга ($22-25^{\circ}\text{C}$) кўйинг. Қоришмани сув ҳаммомида бироз иситиш ҳам мумкин. Хинани оддий сувга аралаштириш тавсия этилмайди, чунки барглардан бўёвчи моддалар ажралиб чиқиши учун кислотали мухит талаб этилади.

Эртасига эрталаб:

Қоришмани очинг ва унга 1 чой қошиқ шакар кўшинг. Шакар қоришма терига яхшироқ ёпишиши учун зарур. Бундан ташқари, 1 чой қошиқ хушбўй мой ҳам қўшиш тавсия этилади. Одатда хина гулларидан олинган мой қўлланилади, лекин бошқа дараҳтларнинг мойи ҳам бўлаверади: чой дараҳти, апельсин, сандал, лаванда, гвоздика ёки эвкалипт



мойлари шулар жумласидандир. Эфир мойлари қўшилган паста тўқроқ ва турғун ранг қолдиради.

Барча масаллиқларни яхшилаб аралаштиринг. Энди пастага лимон сувидан аралаштириб, керакли қуюклика келтириш керак бўлади. Лимон сувининг аниқ миқдорини аниқлаш қийин, чунки хинанинг хусусиятлари ҳар хил бўлиши мумкин. Паста қуюқ сметана ёки тиш пастаси кўринишида бўлиши лозим. Қоришмага лимон сувини бир чой қошиқдан қўшиб, керакли қуюклиқ ҳолига келгунича яхшилаб аралаштириб турниш керак. Паста ортиқча қуюқ бўлса, аппликатордан сиқиб чиқариш қийин бўлади, суюқ бўлса, расм чаплашиб кетади. Паста суюқ бўлиб қолса, бироз хина кукуни қўшиб, пластик пакетга ўралади ва яна 12 соатга тиндириб қўйилади. Шундан кейин ундан фойдаланиш мумкин бўлади.

Ана энди чизишни бошлаймиз!

Расм силлиқ терида яхши турари, шунинг учун олдин терини спирт билан ёғсизлантириш лозим. Дағал терини пилинг ёрдамида силлиқланг. Шундан кейин терига эвкалипт мойидан 3 томчи суртинг. Эвкалипт мойи тери тешикчаларини яхши очади ва расм яхшироқ тушишига сабаб бўлади.

Агар терингиз нозик бўлса, олдин тест ўткзинг: тирсакнинг ички томонига эвкалипт мойидан томизиб кўринг. Бир вақтда хинани ҳам синаб кўришиниз мумкин. 12 соатдан сўнг терида ўзгариш борйўқлигини текширинг.

Санъат: Расмни турлича чизиш мумкин.

Шаблон техникаси.

Бу усулда кўп марта ёки бир марта ишлатиладиган нақшли трафаретлар қўлланилади. Уларни ўзингиз қалин полиэтилен ёки пластирдан тайёрлашингиз мумкин. Кейин нақшли трафаретни терига скотч ёрдамида ёпиширинг. Энди трафаретнинг бўш жойларини хинали паста билан тўлдириб чиқинг. Пастани таёқча, чўткача ёки шприц ёрдамида суртиш мумкин. Ўзингиз учун қулай усулни танланг. Агар тюбикдан фойдаланадиган бўлсангиз, аввал тюбикни яхшилаб эзғилаб аралаштириш керак. Тюбик учидан кичкина тешикча очиб, пастани бир текисда суртинг. Агар хина толалари тешикни тўсиб қўядиган бўлса, уларни игна билан тозаланг. 2 соатдан сўнг трафаретни эҳтиёт бўлиб олиб ташланг. Кўлда қолган хина қатламини пишок билан қириб тозаланг. Ювиш мумкин эмас!

Хина терида туриши керак бўлган энг кам муддат – 2 соат, лекин қанча кўп турса, расм шунча ёрқин ва узоқ турадиган бўлади, шунинг учун иложи бўлса, 6-8 соат туриши керак. Бунда вақти-вақти билан хинани шакар қўшилган лимон суви билан ҳўллаб

туриш лозим. Олдинига расм малла-жигарранг тусда бўлади, сўнг секин-аста тўқлашиб, бир-икки кундан сўнг ўзининг максимал жилосига эга бўлади.

Ёдингизда тутинг:

- Хина тананинг «ёпиқ» қисмларида узокроқ сақланади.
- Лоларанг-қизгиш ранг 24-48 соат сақланади, кейин аста-секин тўқлашиб боради. Бу вақт ичидаги бўялган жойни совунлаб ювиш тавсия этилмайди.
- Иссик ҳарорат расм рангини тўйинглан ва давомли қилади, шунинг учун расмни инфрақизил лампа ёки қуёш нурида қуритинг.
- Энг ёрқин расмларни кўлда ҳамда оёқнинг кафт ва панжаларида хосил қилиш мумкин.
- Пигментлар яхшироқ шимилиши учун қуритаётганда расмни вақти-вақти билан шакар қўшилган лимон суви билан ҳўллаб туринг.
- Эртасига расмга яна хина пастасидан суртинг, бу рангни яна ҳам чукурлаштириб, мустаҳкамлайди.
- Расм ёрқинроқ ва ялтироқ бўлиши учун хина пастаси олиб ташланганидан кейин уни бодом, хантал ёки кунжут мойи билан артинг.
- Расм узокроқ сақланиши учун қаттиқ терлашдан сақланинг.

- Хина ёрдамида солинган расм узоқ вақтда, 3-4 хафтада аста-секин оқариб, йўқола бошлайди. Агар сизга ёкиб қолган расмни сақлаб қолмокчи бўлсангиз, мутлақо йўқолиб кетишидан олдин расмни қайтадан янгиланг.

- Хина – кучли бўёвчи моддадир! Эҳтиёт бўлинг ва ортиқча бўёқни теридан тезда пахта ёрдамида тозалаб ташланг.

- Кейинги 2-3 кун ичидаги расмни мой билан артиб туринг, шунда расм ёрқинроқ ва давомлироқ бўлади.

Расм қайси рангда бўлади?

Табиий хинадан солинган расмлар лоларанг, қизгиш, жигарранг тусда бўлиши бўлади. Терининг хусусиятларига қараб ҳам расмнинг жилоси ўзгариши мумкин.

Замонавийликдан бир шингил.

Ҳозирги пайтда хина шампунлар ва чайқовчи воситалар ишлаб чиқаришда ҳам қўлланилади. Хина яхши тозалаш хусусиятига эгадир.

Хина билан ванна қабул қилиш терига чиройли олтинранг тобланиш рангини беради. Яъни у солярининг фойдали ва ёкимли муқобилидир.

Рангиз хинадан факат соч учун эмас, тана учун ҳам никоб тайёрлаш мумкин: бу нарса кўкрак ва тана орқасидаги тошмалардан қутулишга ёрдам беради.

Умму Жамила тайёрлади